БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 156 (19.232). • 1985 йил 10 июль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

• Меҳнат коллективларида бешинчи зарбдор ўн кунлик якунлари чиқарилмоқда, «КПСС XXVII съездига—27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида ўтаётган мусобақа ғолиблари аниқланмоқда.

• Навбат—олтинчи зарбдор ўн кунликка!

ЕР АТРОФИ ОРБИТАСИДА

Учишни бошқариш маркази. 9 июль. (ТАСС). Владимир Жонибеков билан Виктор Савинихнинг киши бошқарадиган «Салют-7 — «Союз — Т-13» — «Прогресс-24» комплекси ичидаги космик вахтаси давом этмоқда.

Ўтган кунлардаги учиш программаси юк кемаси билан қилинадиган ишларни, станциянинг айрим системалари билан мўлжалдаги профилактик тадбирларни, геофизик тадқиқотларни ўз ичига олди. Экипажнинг дам олиши учун ҳам вақт ажратилди.

Космонавтлар «Прогресс-24» транспорт кемасининг юкларини батамом тушириб олдилар. Улар келтирилган юкларни станцияга жойлаштирдилар, ишлаб бўлган асбоб-ускуналарни кеманинг бўшаган бўлмасига олиб ўтиб, жойлаштирмоқдалар.

«Салют-7» станциясининг ёқилғи идишларидан қисилган азотни ҳайдаб ўтказишга тайёргарлик ишларидан сўнг бирлашган мотор установкаси ёқилғисининг камомати тўлдирилмоқда.

Экипаж ер табиий ресурсларини ўрганиш программасига мувофиқ бугун навбатдаги геофизик тадқиқотларни бажаради. Дунё океани акваториясининг айрим районларини визуал ва асбоблар воситасида кузатиш ва съемка қилиш ишлари ҳам мўлжалланган.

Орбитал комплекснинг учиши нормал ўтмоқда. Владимир Жонибеков билан Виктор Савинихнинг соғлиғи ва кайфияти яхши.

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ КУНЛАРИ

«Ўзбекистон комсомоли» агитпоезди республика ёшлари кунларини ўтказиш учун Тошкентдан Қозоғистонга йўл олди. Агитпоезд маршрути Чимкент, Жамбул, Қизил Ўрда областлари бўйлаб ўтади.

Агитация-пропаганда группаси қатнашчилари орасида уруш ва меҳнат ветеранлари, лекторлар, ёш ишчилар, ёшлар олдинги фестивалларининг делегатлари, фан ва маданият намояндалари бор. Улар Ўзбекистоннинг қўлга киритган ютуқлари ҳақида, илғор комсомол ташкилотларининг иш тажрибаси тўғрисида сўзлаб беришади. Ёш адабиётчилар, шоирлар, театр ва кино артистларининг ижоди билан танишув кечалари ўтказилади.

Москвада ўтказилган VI жаҳон фестивалининг аҳамияти ҳақида ўша анжуман кунлари танишиб, бир-бирини ёқтириб қолган ва оила қурган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева билан унинг турмуш ўртоғи Йўлдош ака ҳикоя қилиб беришади.

Тошкент давлат консерваториясининг «Ёшлик» агитбригадаси, Қўшқўпир маданият уйининг «Юлдуз» халқ ансамбли қозоғистонлик дўстларини ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган XII Жаҳон фестивалига тайёрлаган концерт программалари билан таништиришади.

«Биз — ватанпарвар интернационалистлармиз» шиори остида Қозоғистонда ўтаётган Ўзбекистон ёшлари кунлари доирасида митинг-концертлар, ёш рассомлар асарларининг кўргазмалари, «Совет Ўзбекистони» оғзаки журналлари ташкил этилади.

(ЎзТАГ).

МУОМАЛА ВА КАЙФИЯТ

«Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» шиори инсон қадр-қиммати ва маънавий камолотини юксакликка кўтарган социалистик жамиятимизнинг шарофатини, турмуш тарзимизнинг афзаллигини ўзида ёрқин ифода этиб турибди. Жонажон партия ва ҳукуматимизнинг мақсади ҳам совет кишилари ҳаётини янада фаровон, янада гўзал, бахтиёр қилишдан иборатдир.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин одамларга нисбатан меҳрибон ва ғамхўр, жонкуяр ва ҳамдард бўлиш намунасини—ҳақиқий халқпарварлик, инсонийлик фазилатларини намоён этган эди. У кишиларнинг инсаларга муҳтожлигини билиб олишга ва уларга ўз вақтида ёрдам беришга вақт топа олар эди. «Менинг олдимда ўртоқ Иван Афанасьевич Чекунов ўтирибди, — деб хат ёзган эди В. И. Ленин соғлиқни сақлаш халқ комиссари Н. Семашкога.— Жуда ажойиб меҳнаткаш деҳқон... Кўзойнагини йўқотиб қўйибди... Унга ёрдам беришингизни ва кўзойнак топиб бериш мумкин бўлган-бўлмаганлигини менга билдиришни секретарингизга айтишни жуда илтимос қиламан».

Доҳиймиз В. И. Ленин васиятларига содиқ бўлган Коммунистик партиямиз меҳнаткашларинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрликни мамлакат экономикасини ривожлантириш ҳақидаги ғамхўрлик билан чамбарчас боғлаб олиб боряпти. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев шундай деган эди: «Партия ва давлат совет кишисининг ўсган талаб-эҳтиёжларини қондириш, унинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилдилар ва ғамхўрлик қилаверадилар».

Меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларини, мурожаат ва илтимосларини дарҳол қараб чиқиш партия, совет, касаба союз, хўжалик, ташкилотларнинг муқаддас бурчидир. Партия ҳар бир раҳбардан халқ манфаатини кўзлаб иш тутишни, кишилар ташвиши билан яшашни, ҳузурига ариза ва шикоятлар билан келган гражданларга ўз вақтида ёрдам қўлини чўзишни, хуллас, ўз тақдирини халқ тақдири билан боғлаб олиб боришни талаб этади. Ҳамиша одамлар орасида бўлиш, оммaнинг кайфияти ва руҳини ўрганиш, уларнинг ҳам шодлигига, ҳам ташвишига шерик бўлиш, орзу-истаклари, талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ва унга ҳозиржавоб бўлиш —у ёки бу раҳбар кадрнинг обрў-эътиборини оширади. Эл-юрт бундай олижаноб фазилатли кишиларни доимо қадрлайди, ъзозлайди. Энг муҳими, ўша коллективда соғлом маънавий муҳит, ишчанлик ва ташаббускорлик, меҳрибонлик ва талабчанлик вазияти вужудга келади. Бундай муҳитда кишилар баракали ва ижодий меҳнат қиладилар, ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтадилар.

Жамиятимиз ривожланиб бораверган сари меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларига —уй-жойга, овқатланишга, маиший хизматга, соғлиқни сақлаш ва маорифга, хуллас, инсоннинг фаровонлигига оид барча нарсаларга эътибор бериш тобора ортаверади. Шунинг учун ҳам бизнинг жамиятимиз одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, ҳурмат ва иззати, ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги, дўстлиги ва қардошлиги, аҳиллиги ва иноқлиги билан қудратлидир. Ҳақиқий раҳбар ходим меҳнаткашлар тўғрисида астойдил жон куйдиради, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик ва ҳушёрлик билан қарайди, асло манманлик ва сансалорликка, қўполлик ва дағалликкa йўл қўймайди.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, орамизда ҳали одамлар ҳақида ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилиш ўрнига уларни сарсон қилаётган, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишни, таклиф-истаклари ва фикр-мулоҳазаларини менсимай қўйган баъзи масъул раҳбарлар йўқ эмас. Уларнинг бундай ҳатти-ҳаракатлари, феъл-атвори гражданларни ҳақли суратда ранжитмоқда. Партиямиз ходимларнинг юксак маданиятли бўлиши учун қаттиқ курашиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу масала Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳам қатъий қилиб қўйилганлиги ҳаммага аён.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси почтасида аҳоли талаб-эҳтиёжлари, ташвиш ва орзуларига, ҳақли талаб ва истакларига бефарқ, масъулиятсизлик билан қараётган, сансалорлик қилаётган баъзи ташкилот ва идораларнинг масъул ходимлари ҳақидаги ариза ва шикоятлар ҳам учраб туради. Шубҳасиз, бундай хатлар кишини ўйлашга, мулоҳаза юритишга мажбур этади. Масалан, ургутлик кўп болали она Г. Очилова фарзандлари учун ўз вақтида нафақа ололмаётганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилган эди. Текширишда хатда баён этилган фактлар тасдиқланди. Самарқанд область пенсия ва нафақалар тўлаш марказининг айрим ходимлари масъулиятсизлиги оқибатида сансалорликка йўл қўйилган. Нафақа тўлашни кечиктирганликлари учун Ургут микроучасткаси инспектори Б. Авазовага қаттиқ ҳайфсан берилди, катта инспектор А. Аблязова эса қаттиқ огоҳлантирилди, зона бошлиғи М. Мавлоновага танбеҳ берилди.

Партиямиз ҳамма муассасалар ва мансабдор шахслардан, масъул ходимлардан кишиларга мумкин қадар кўпроқ меҳрибон бўлишни, уларга мумкин қадар кўпроқ эътибор беришни, улар тўғрисида мумкин қадар кўпроқ ғамхўрлик қилишни талаб этаётган экан, ҳар бир идора ва ташкилотда, ҳар бир корхона ва муассасада кишиларга саммий хайрихоҳлик, иззат-ҳурмат ҳукм суриши керак.

Одамлар ҳақида ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатишнинг йўналишлари кўп. Айниқса, ветеранлар ва пенсионерларга маданий-маиший, медицина хизмати кўрсатиш системасини бундан буён ҳам такомиллаштириб бориш, уларнинг кундалик талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ қондириш муҳим вазифадир. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Редакцияга келаётган хат-хабарлар ва аризалардан шу нарса маълумки, баъзи область ва районларда бу муҳим соҳага етарлича эътибор берилмаётир. Энг аввало, аёллар ва болаларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, даволаш тадбирлари сифатини кўтариш зарур. Айниқса, бу соҳадаги илғор тажрибалар умумлаштирилиши ва кенг оммалаштирилиши лозим. Бундан ташқари далада ишлаётган деҳқонларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни авж олдириш тўғрисида ҳам астойдил ғамхўрлик кўрсатиш керак. Дала шийпонларини мазмунли ва мароқли дам олиш ўчоқларига айлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Зотан, одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларга кўмаклашиш қаерда, қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳар бир раҳбар ходимнинг муқаддас бурчидир. Инсон бахт-саодати йўлида муттасил ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилиш жонажон партиямизнинг олий мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА—27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

МИРИШКОРЛАР ДАЛАСИДА

Урганч районидаги «Пахтакор» колхози пахтакорлари бу йил ҳар қачонгидан кўп пахта тайёрлаш ва ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлашга ахд қилишган. Ҳозир далаларда ғўза парвариши юксак аҳдга яраша уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Экинлар парваришини намунали йўлга қўйган Абдулла Аминов бошлиқ бригада азаматлари меҳнат беллашувида илғорликни қўлдан бермаётир.

— Бригадамиз коллективи бу йил 68 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» териб топширишга ахд қилишган, — дейди бригада сардори А. Аминов, — юксак марра ҳалол, фидокорона меҳнат туфайлигина қўлга киритилишини яхши биламиз. Шу сабабли республикамиз ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик ташаббусига қўшилиб, ҳосил тўплаш ойининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозиргача ғўза қатор оралариига 4 марта комплекс ишлов берилиб, икки маротаба обиҳаётга қондирилди.

Ҳа, бригада далаларида бўлган кишининг кўзи қувнайди. Деҳқон меҳрига қонган ғўзаларда кун сайин кўсаклар сони кўпайиб бормоқда.

Суратларда: 1. Малакали сувчи Ўғилжон Мавлонова. 30 йилдан бери сувчилик қилиб, касб маҳоратини эгаллаб олган У. Мавлонова ишда касбдошларига доимо ўрнак. 2. Бригада далаларида суғориш пайти.

Қ. Отаев фотолари. (ЎзТАГ).

ИЮЛЬ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ЗАРБДОР ОЙ!

● Ғўза парваришида масъулиятли дамлар бошланди. Ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида сифатли ўтказишга эришайлик.

● Ғўзаларни қондириб суғориш ҳосил нишоналарини тезроқ кўпайтиришнинг бош омилидир. Усимликни обиҳаётга қондириш диққат марказимизда бўлсин.

● Далаларни машина теримига тайёрлаш, агрегатларни мавсумга шайлаш, механизаторлар тайёрлаш ва малакасини ошириш диққат марказимизда бўлсин.

Ташаббускорлар йўқламаси

ИШОНЧИМ КОМИЛ

Телефонда — Қўқон пойабзал фабрикасининг бичиқчиси, комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори Муҳаббат Соҳибова

—Кейинги пайтларда мухбирлар келиб, ўн саккизлар ташаббуси ҳақида сўз очгудек бўлсалар, беихтиёр ёдимга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми минбаридан айтилган қуйидаги сўзлар келаверади: **«Ўзбекистонда ўсиб вояга етган ажойиб меҳнатчилар ўзларининг бутун касб-маҳоратини, меҳнатга бўлган меҳр-муҳаббати ва ижобий мусобатларини ишга бағишламоқдалар ҳамда юксак пировард натижаларга эришмоқдалар».**

Бу сўзлар менга гўё ўша ташаббускор дўстларим, улар бошлаган ҳаракатга якдил қўшилган минглаб издошлар ҳақида айтилгандек туюлаверади. Негаки, уларнинг касбига бўлган меҳр-муҳаббатини, ишга ва бурчга бўлган ижобий муносабатини «КПСС XXVII съездига—27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошлаган ватанпарварлик ташаббусларидан ҳам билса бўлади. Бу ташаббус эндиликда на фақат уларнинг, балки бутун республикамиз меҳнат аҳлининг ташаббусига, тажрибасига, мулкига айланиб бормоқда.

Халқ хўжалигининг қайси тармоғига назар ташламанг, ҳар бир зарбдор ўн кунлик ғоят қизғин тус олиб, қувончли пировард натижаларга эришилаётганлигини кўрасиз.

Пойабзал корхоналарида, бизда ҳар бир киши ишимиз хусусиятларига кўра битталадан дастгоҳ бошқаради. Шунга қарамай,мен ўн саккиз ташаббускорнинг бири сифатида юксак кўрсаткичларга эришишга ҳаракат қиляпман. Жумладан, кунига пландаги 200 ўрнига 400-410 жуфтга қадар пойабзалга зарур қисмлар тайёрлаяпман. Бунга асосан вақтдан унумли фойдаланиш эвазига эришяпман. Биргина мен эмас, бригадамизнинг ҳар бир аъзоси, қолаверса, изимдан корхонага келган оиламизнинг уч аъзоси—Соҳибовлар сулоласи вакиллари ҳам шундай ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Натижа кўнгилдагидек бўлмоқда. Кунлик, ҳафталик ва ўн кунлик якунларимиз салмоғи тобора ошиб, корхона ички социалистик мусобақасида пешқадамлик қиляпмиз. Бригадамиз ўтган зарбдор тўртинчи ўн кунликни ҳам муваффақиятли якунлади. Белгиланган топшириқни 123,3 процент адо этиб, меҳнат унумдорлигини 2,6 процент оширдик. Пландан ташқари 1,3 минг жуфтдан зиёд пойабзалга деталлар тайёрланди. Ўзим бичиқчилик-штамплаш дастгоҳимда 4150 жуфт пойабзал учун хом ашё ҳозирладим. Бошқача айтганда, ўн кунлик топшириғимни икки баравардан ҳам зиёд бажаришга, 160 квадрат дециметр чарм иқтисод қилиб қолишга эришдим. Эрта-индин ниҳоясига етадиган зарбдор бешинчи ўн кунликни ҳам шундай қувончли натижалар билан якунлашга, партия, халқ олдида берган ваъдам устидан чиқишга сўз бераман.

ТЕЖАМКОРЛАР

Андижон автокомбинатидан Шарофитдин Орифжонов бригадаси социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқда. Бригада тежалган ёнилғи ҳисобидан уч кун ишлаб беришга қарор қилди. Мана ярим йил ҳам ўтиб кетди —ваъда қилинган тежам фондининг ярми тайёр бўлди.

Автопоездларни ҳайдаш коллективининг асосий резервидир. Бригадада тўқизта автопоезд бўлиб, ҳар бири 32 тоннадан 54 тоннагача юк кўтара олади. Машиналарни моҳирлик билан ишлатиш ёнилғи сарфини учдан бир ҳисса камайтиришга имкон беради.

Бригадада машиналарга техник хизмат кўрсатиш устидан назорат йўлга қўйилган. Ҳайдовчилар тормоз ва подшипникларнинг созлигини, шиналардаги босимни, ёнилғи аппаратлари ва клапанларнинг ҳолатини, моторнинг температура режимини ўзлари кузатиб борадилар.

Автокомбинатнинг яна 30 та бригадаси Ш. Орифжонов ташаббусини қувватлаб чиқди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

8 июль куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Совет Иттифоқига дўстона визит қилиб келган ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри П. Варкони ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабат масалаларини муҳокама қилиш чоғида министрлар қардошларча Совет—Венгрия дўстлиги ва ҳамкорлиги иккала мамлакат халқларининг узоқ муддатли, туб манфаатларига мос бўлиб тушишини, социализм, тинчликни, халқаро ва Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилишни таъкидладилар. Олий даражадаги учрашувларнинг аҳамияти, шундай учрашувлар давомида КПСС билан ВСИП, СССР билан ВХРнинг барча соҳалардаги ўзаро қалин алоқаларини янада мустаҳкамлаш истиқболлари ва конкрет йўллари белгилаб олинишн алоҳида уқтириб ўтилди.

Халқаро масалалар хусусида фикрлашиш чоғида томонлар дунёда ҳозирги мураккаб ва хатарли вазият шароитида Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг ер юзида тинчликни сақлаб қолиш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган, ишни кўзловчи тинчлик ташаббуслари кенг комплексининг актуаллиги ва аҳамияти ошиб бораётганлигига ишонч билдирдилар. СССР билан ВХР социализм манфаатларини ҳимоя қилиш, қардош давлатлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш, ядро уруши хавфини тугатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро ривожланишнинг белгиловчи тенденцияси бўлмиш кескинликни юмшатишни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида муттасил куч-ғайратлар сарфлайверишлари якдиллик билан билдирилди.

Музокаралар дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тўла якдиллик муҳитида ўтди. Қўшма ахборот келишиб олинди, у матбуотда эълон қилинади.

* * *

Э. А. Шеварднадзе П. Варкони шарафига зиёфат берди, зиёфатда нутқлар сўзланди.

Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, бошқа расмий кишилар, шунингдек ВХР ташқи ишлар министрига ҳамроҳ бўлиб келган кишилар ҳозир бўлдилар.

* * *

Шу куни П. Варкони ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ҚУРИЛИШЛАРДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, унинг коллегияси энг муҳим иқтисодий вазифаларни қай даражада ҳал этмоқдалар, республиканинг қурилиш майдонларида меҳнат унумдорлигини ўстириш планлари қандай бажарилмоқда? Ўзбекистон ССР Олий Совети Қурилиш ва бинокорлик материалларн саноати доимий комиссиясининг 9 июль куни бўлиб ўтган мажлисида шу масала муҳокама қилинди.

Депутатлардан Х. Тошев, К. П. Дудин, Е. Е. Березиков, Т. Хотамов, Р. С. Эргашев жойлардаги ишларнинг аҳволини муфассал текшириш натижалари тўғрисида комиссияга маълум қилиб, шуни қайд этиб ўтдиларки, республика қурилишларида меҳнат унумдорлиги планда кўзда тутилганидек оширилиши ўрнига, ҳатто бир мунча пасайиб кетди, белгиланган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бажарилмаяпти, бу ишларнинг таннархи қимматлашувига йўл қўйилмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг меҳнат унумдорлигини ошириш борасидаги иши КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг талабларига, шуннгдек фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш кўрсатмаларига ҳали мос келмаётганлиги қайд этиб ўтилди. Бир қанча ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилиш трестлари асосий техникавий иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан планларни мунтазам бажармай келмоқдалар.

Фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Беш йиллиннинг тўрт йили ичида қурилишнинг илғор методларини жорий этиш топшириқлари бажарилмаганлиги, қурилиш майдонларида қўл меҳнати салмоғи жуда катта эканлиги, иш вақтининг зое кетиши ортиб бораётганлиги, меҳнат интизоми пастлиги уқтириб ўтилди.

Бригада пудратининг катта имкониятларидан ниҳоятда кам фойдаланилмоқда. Гарчи маълумотларга кўра меҳнат коллективларининг ярмидан кўпроғи ишларни ташкил этишнинг ана шу илғор формасига ўтказилган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги фақат номигагина шу системага мувофиқ ишламоқдалар. Қурилишларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ва ишбай-мукофотли системаси афзалликларидан ҳам дуруст фойдаланилмаяпти.

Мажлисда қайд этилганидек, қурилишдаги ишларнинг аҳволи етарлича чуқур таҳлил этилмаяпти, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялари қурилишларда меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш учун ўз ҳуқуқларидан фойдаланмаяптилар. Улар ишчи кадрларни тайёрлашда, барқарор коллективларни вужудга келтиришда, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашда қурилиш ташкилотларига зарур ёрдам бермаяптилар.

Қабул қилинган қарорда комиссия республика Қурилиш министрлигига меҳнат унумдорлигини ўстиришда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш, барча қурилиш ташкилотларида план ва давлат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан конкрет тадбирларни амалга оширишни тавсия этди. Қурилишни илғор техника ва технологияни қўлланиб, ягона индустриал жараёнга айлантириш зарур.

Комиссия барча қурилиш трестларида бригада пудратини кенг жорий этиш, шу методга мувофиқ ишлаётган коллективларга барча зарур шароитларни яратиш республика Қурилиш министрлигининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб ҳисоблайди.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан кундалик назоратни амалга ошириш, чала ва сифати паст объектларнинг фойдаланишга қабул қилинишига йўл қўймаслик тавсия этилди. Қурувчиларнинг меҳнатини тўғри ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш масалалари, уларнинг турмуш шароитлари Советларнинг, улар органлари, депутатлик постлари ҳамда группаларининг доимо диққат-марказида бўлиши керак.

(ЎзТАГ).

КОМСОМОЛ ГАЗЕТАСИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон комсомол матбуоти жанговар органи — «Ёш ленинчи» газетаси ташкил этилганига олтмиш йил тўлди. Шу йиллар мобайнида унинг саҳифаларида эълон қилинган материаллар республика йигит ва қизларини социализм қуриш учун курашга, унинг ғалабаларини ҳимоя қилишга, халқ хўжалигини янада юксалтириш, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишга сафарбар этишда муҳим роль ўйнади. 9 июль куни Тошкентда жамоатчилик вакилларининг комсомол газетаси юбилейига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди, унда ёшлар билан бирга ветеран-журналистлар ҳам иштирок этдилар.

Редакция коллективига тантанали вазиятда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Газета республика ёшларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун шу мукофотга сазовор бўлган эди.

Йиғилиш аҳли газета журналистлари ва жамоатчи мухбирларига янги ижодий муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

ИККИЛАМЧИ МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

ЭНГ АРЗОН ВА ҚУЛАЙ МАНБА

Республикамизда саноат ва маҳаллий чиқиндилар—ишлаб чиқаришнинг муҳим хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш аҳволи қандай?

Ишлаб чиқариш резервлари — катта моддий бойлик! Унинг аҳамиятини тўла тасаввур этмоқ учун аниқ ҳисоб-китоб қилиш керак.

Масалан, иккиламчи хом ашёдан фойдаланишни олайлик. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган картон ва қоғознинг чорак қисми макулатурани қайта ишлаш йўли билан олинади. Рангли металлар ва олтингугурт кислотасининг бешдан бир қисми чиқиндилардан тайёрланади. Кўриниб турибдики, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш — мамлакат халқ хўжалиги хом ашё базасини кенгайтиришнинг муҳим резерви. Бироқ, бу ишда ҳал қилинмаган муаммолар, катта камчиликлар бор.

Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг «Халқ хўжалигида иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида» қабул қилган қарорида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунисн муҳимки, қарорда иккиламчи хом ашёни тўплаш, етказиб бериш ва ундан фойдаланишни яхшилаш долзарб вазифа қилиб қўйилди.

Бугунги кунда ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга шунчалик аҳамият берилаётганн бежиз эмас. Умуман ресурсларни тайёрлаб, халқ хўжалигига хизмат қилдириш учун озмунча ишлар бажариладимн! Иккиламчи ресурслардан фойдаланилса, бу ишга сарф қилинадиган капитал маблағлар, меҳнат тежалади, атроф-муҳит ифлосланишдан сақланади. Мавжуд табиий ресурслар эса келгуси авлодлар учун сақланиб қолади.

Аммо бунда фақат тежамкорликнинг ўзи кифоя эмас. Шу сабабли мамлакатимизда экономикани тўла интенсивлаш доирасида қатор тармоқ программалари амалга оширилянти. Уларга асосланиш хом ашёни оқилона сарфлаш имконини беради.

Чиқиндисиз технология афзалликлари

ХОМ ашёдан такрор фойдаланиш ёки бошқача айтганда, чиқиндисиз технологияни ривожлантириш энг самарали ва оқилона йўл бўлиб, бунда иқтисодий манфаатлар экологик манфаатлар билан чамбарчас боғланиб кетади. Чунки, янги шахталар, конлар, карьерлар қуриб маҳсулот олишга нисбатан иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш афзал — арзонга тушади. Шунингдек, атроф-муҳит учун зарарли чиқитлар миқдори кескин камаяди.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида мамлакатимизда иккиламчи ресурслардан фойдаланиш ўрта ҳисобда йилига 9 миллиард сўмлик бирламчи табиий хом ашёни сақлаб қолиш имконини берди. Бу йил улардан фойдаланиш план топшириғи яна ярим миллиард сўмлик ортиқ қилиб белгиланди. Бирламчи хом ашё бошқа турларини иқтисод қилишни ҳам ҳисобга олганда, СССР халқ хўжалиги шу ҳисобдан бу йил 12,6 миллиард сўм фойда кўради. Демак, иккиламчи хом ашёдан такрор фойдаланиш беш йилликда қариб 50 миллиард сўмлик самара келтиради.

Иккиламчи ресурсларни халқ хўжалигига энг кўп даражада жалб этиш тежамкорлик ишининг ажралмас қисмидир. Бу ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ўстиришни таъминлашнинг муҳим манбаи бўлиб қолмоқда.

Хўш, республикамизда бу резервдан қандай фойдаланилмоқда?

Сўнгги йилларда иккиламчи хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитетининг иккиламчи моддий ресурсларни такрорий ишлатишга тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва фойдаланиш Бош бошқармаси («Узглавторресурси») республика халқ хўжалигини арзон хом ашё билан таъминлашда анча ишлар қилмоқда. Бош бошқарманинг тайёрлов ташкилотлари ҳар йили 99 минг тоннадан зиёд иккиламчи маҳсулот —саноат ва маиший чиқиндиларни қабул қилиб олади. Улардан қайта фойдаланиш катта иқтисодий самара келтиряпти.

Бошқа бир мисол. Тошкентдаги «Труд» фабрикаси чиқиндилардан ўтган йилнинг ўзида турли хилдаги 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Чиқиндилардан тайёрланадиган барча буюмларни санаб чиқиш қийин. Аммо уларнинг айримларини таъкидлаб ўтиш керак. Тошкент қоғоз фабрикаси макулатурадан ўров қоғозлари ва картон, Попдаги «Ўзбеккровля» заводи иккиламчи хом ашёдан бостирма картон, рубероид ва бошқа буюмлар тайёрлаб бермоқда. Иккиламчи полимерлар Оҳангарон қурилиш пластмасса буюмлари заводи учун асосий материал бўлиб қолмоқда.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш натижасида халқ хўжалигининг хом ашё базаси кенгайиб боряпти. Анчагина ёғоч, минерал ўғит, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, жумладан, пахта ва зиғир толаси, жун ва бошқа маҳсулотларни тежаш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини яратяпти. Иккиламчи ресурсларни қайта ишлашни кенгайтириш аҳоли пунктларн санитария ҳолатини яхшилашга ҳам ёрдам бермоқда.

Мамлакат халқ хўжалигида саноат ва маиший чиқиндилардан фойдаланишда муайян тажриба тўпланди. Шуни айтиш керакки, бир тонна макулатурадан фойдаланиш қоғоз ва картон ишлаб чиқаришда 4 кубометр ёғочтахта, 4 сўм 85 тийинлик электр энергияси, 5 сўм 17 тийинлик технология воситалари ва икки киши-куни миқдорида меҳнат харажатларини тежайди.

Ҳар тонна иккиламчи полимер хом ашёси турли хил буюмлар тайёрлашда шунча миқдорда бирламчи полиэтиленнинг ўрнини босадики, уни ҳосил қилиш учун 1,1 тонна этилен ёки 16,5 тонна нефть ёки 3,3 тонна бензин сарфлаш лозим бўларди. Яроқсиз ҳолга келган ўртача оғирликдаги ҳар бир покришкада 15 килограмм каучук, 5 килограмм кардли тўқималар, 1,5 килограмм металл ва бошқа камёб материаллар мавжуд. Иккиламчи қора металлардан эритилган пўлат рудадан олинганига қараганда 12 баравар арзонга тушади.

Бироқ халқ хўжалигини арзон хом ашё билан таъминлашдек муҳим ишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. Айрим корхоналар ресурслар мавжудлиги тўғрисида ахборотларни камайтириб кўрсатадилар, бошқа бирлари эса иккиламчи хом ашёни етказиб бериш муддатларига риоя қилмай келмоқдалар. Ҳатто саноат чиқиндиларини менсимай, уларнинг аҳамиятини камситиб, иккиламчи хом ашё топшириш планларини бажармаётган корхоналар ҳам бор.

Бухоро пойабзал фабрикаси раҳбарлари шаънига жиддий эътирозлар айтиш мумкин. 1984 йилда корхона макулатура топшириш планини бажармади. Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси макулатура, жун материал ва ип газлама қийқимларини топшириққа нисбатан анча кам етказиб берди. Энг ачинарлиси, корхона ва ташкилотлар билан тайёрлаш корхоналари ўртасида мустаҳкам алоқа-муносабатлар қарор топмаган. Улар ўз вазифаларини аниқ белгилаб олмаганлар. Масалан, хом ашё етказиб беришни зиммаларидан соқит қилишга уриниб, «ўзларинг ташиб ол», дея иш кўраётган раҳбарларнинг инжиқликлари туфайли Шўрчи район «Госкомсельхозтехника» бошқармасида 2 вагон автошина бир неча йилдан бери босилиб ётибди. «Совавтотермез» автобазасида ҳам автошиналар тоғ-тоғ уюлган.

> Кўпгина бирлашма ва корхоналарнинг раҳбарлари асосан бирламчи материалларни олишни назарда тутиб ишлаб келмоқдалар. Натижада қайтадан фойдаланиш учун яроқли бўлган миллион-миллион тонна хом ашё ташқарига олиб чиқиб ағдарилмоқда, бунинг учун анчагина экинзор ерлар банд бўлиб қолмоқда, атроф-муҳитга зарар етказилмоқда. Шу тариқа иқтисодий зиёнгина келтирилиб қолмай, одамларни тежамкорлик руҳида тарбиялаш ишига маънавий зарар ҳам етказилмоқда.
>
> (КПСС Марказий Комитетининг «Халқ хўжалигида иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қаорида).

Аммо планга кўра 310 тонна шина топшириш лозим бўлган бу корхона ўтган йили бирор тонна автошина бермаган. Зотан, Госснаб область базалари уларни қабул қилиш-қилмаслиги ҳам номаълум. Чунки у ерда ҳам 20 минг тоннадан зиёд металл қирқди шиналар, 100 тоннадан ортиқ полиэтилен қоплар қаровсиз ташлаб қўйилган. Вахолонки, улар аллақачон қайта ишлаш корхоналарига жўнатилиши лозим эди. Бундай масъулиятсизликни бошқа область корхона ва ташкилотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхоналар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги турли келишмовчиликларга тезда барҳам бериш лозим.

Суяк тўплаш ёмон ташкил этилган. Умумий овқатланиш корхоналарида ҳатто чиқиндиларни тўплаш учун махсус идишлар ўрнатилмаган. Шаҳар савдо корхоналарида, ишчилар таъминоти бўлимлари, бошқармаларида иккиламчи ресурсларни тайёрлаш қониқарсиз аҳволда. Ана шу маҳсулотларни тўплаб топшириш устидан тегишли назорат ўрнатилмаган. Оқибатда бу ташкилотларда, корхоналарда одатда ўнлаб тонна картон ва ўров қоғозлари ахлатга ташланади ёки ўтда ёқилади.

Топширувчи корхоналарнинг масъулиятсизлиги завод ва фабрикаларни иккиламчи хом ашё билан таъминлашда давлатга катта зиён келтирмоқда. Бу ҳол қайта ишлаш корхоналари иш мароминнинг бузилишига, маҳсулот ишлаб чиқариш планининг бажарилмай қолишига, таннархи қимматлашиб кетишига сабаб бўлаётир.

Министрлик ва идоралар, маҳаллий партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари чиқиндисиз технология афзалликларини тегишли тарзда баҳолашлари, бундай технологиянинг кенг жорий этилиши билан мунтазам шуғулланишлари, йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш чораларини кўришлари зарур.

Самарадорлик— бош йўналиш

ХАР БИР корхонани, таъбир жоиз бўлса, иккиламчи хом ашёнинг унча катта бўлмаган «кони» деса бўлади. Уни ҳаракатга келтириш ҳам осон. Аниқ тартиб ўрнатилса бас: ишга яроқсиз деб топилган ҳамма буюмлар тайёрлов ташкилотлари орқали қайта ишлаш учун жўнатилмоғи керак.

Таъкидлаш лозимки, кам чиқитли ва чиқиндисиз технологияни жорий этиш кўпгина корхоналарга соф фойда олиш имконини беряпти. Бу борада Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик бирлашмасида ташкил этилган иккиламчи хом ашё цехи фаолияти диққатга сазовор. Цехда трикотаж, полиэстр, капрон, сунъий мўйна ва бошқа хил материал қолдиқларидан болаларбоп кийимлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Коллектив ўтган йили 410 минг сўмлик юқори сифатли шундай кийим-кечаклар ишлаб чиқарди ва корхона 111 минг сўм фойда кўрди.

Қоракўл маданий-маиший буюмлар фабрикаси, Ромитан тикувчилик-галантерея фабрикаси, Ғиждувон сопол буюмлар заводи, Шўртан газ бирлашмаси, Урганч мебель фабрикаси, Гулистон тикувчилик фабрикаси, Жиззах пластмасса буюмлари заводи ва республикамизнинг бошқа қатор корхоналарида ҳам иккиламчи моддий ресурслардан турли хил халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йўлга қўйилган.

Афсуски, бундай ижобий мисоллар унча кўп эмас. Тўпланган тажрибани оммалаштиришга бефарқ қаралмоқда. Шунинг натижасида республикада умумий материал истеъмоли ҳажмида иккиламчи ресурслар ҳиссаси мамлакатимиздаги қатор ўлка ва областлар эришган даражадан анча паст.

КПСС Марказий Комитетининг мазкур масалага бағишланган қарорида таъкидланганидек, кўплаб корхоналар раҳбарлари фақат бирламчи материалларга таяниб, иккиламчи ресурсларни қўлланиш юзасидан план топшириқлари бажарилишини таъминламаяптилар.

Мана, биргина мисол. Бухоро область маҳаллий саноат бошқармаси бўйича йилига ўртача 2 миллион 320 минг сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Лекин ана шу рақамни тузукроқ таҳлил қилиб, область миқёсида қиёслаб кўрадиган бўлсак, бу жуда кам. Етарли тажриба тўпланганига қарамай, областнинг шаҳар ва районларида маҳаллий хом ашё ресурсларидан, иккиламчи саноат чиқиндиларидан халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги аҳволи бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Бухоро тўқимачилик комбинати, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, трикотаж, пойабзал фабрикаси, бинокорлик материаллари комбинати ва бошқа кўплаб корхоналарда маиший ишлаб чиқаришга яроқли чиқитлар ҳамон ҳаракатга келтирилмаган. Баъзан эса ўта кетган даражада исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Корхоналар ва ташкилотлар ҳовлисида ёғоч, цемент, гишт, фанер, сим, ойна, ҳар хил шиша идишлар, металл қувурлар, мих, мой, қоғоз, бўёқ, кўн маҳсулотлари сингари талайгина хом ашё ташлаб юборилмоқда.

Қашқадарёдаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. Қарши тикувчилик фабрикаси, асфальт-бетон заводи, Шаҳрисабз «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасида иккиламчи хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш резервлари бой берилмоқда. Республикамизнинг бошқа областларида ҳам ана шундай аҳвол ҳукм сураётган корхоналар талайгина.

Бу муҳим иқтисодий масала билан шуғулланадиган баобрў ташкилот борми ўзи? Иккиламчи ресурслардан фойдаланишни яхшилашда республика Госснаб ходимлари муҳим роль ўйнашлари керак. СССР Госснаби иккиламчи хом ашё тайёрлашни кўпайтириш, шунингдек, макулатура, полимер хом ашёси, тўқимачилик материалларини саноатда қайта ишлаш бўйича шахсий базаларни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни белгилаган. Шу асосда Ўзбекистонда қайта ишлаш корхоналари қурилиши кейинги вақтда бирмунча ривожланди. Фарғона шаҳрида йилига 1 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика, Ангренда йилига 100 минг тонна картон ишлаб чиқарадиган фабрика қурилишлари жадал олиб борилаётир. Бу корхоналар фақат завод ва фабрикаларнинг ишлаб чиқариш чиқитлари асосида маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланади.

Аммо булар ҳали — хом ашё базасининг бир жиҳати. Шунга қарамай иккиламчи хом ашё базасини кенгайтириш, кўп миқдордаги майда истеъмолчиларда ва алоҳида тўпланадиган ресурсларни йиғиш рисоладагидек йўлга қўйилмаган. Қисқаси, ташкилотчилик етишмаяпти. Ишнинг аҳволи учун жавобгар шахслар ноаниқ. Бу масалаларни ҳал этишда моддий-техника таъминоти органлари ташаббускорлик, талабчанлик, изчиллик ва қатъият кўрсатишлари лозим.

> ● Иккиламчи ресурслар — кони фойда.
>
> ● Бу ресурслардан самарали фойдаланиш экономика тараққиётига катта таъсир кўрсатади.
>
> ● «Узглавторресурси» бош бошқармасининг корхоналари ҳар йили 99 минг тоннадан зиёд иккиламчи ресурслар қабул қилиб оляпти.
>
> ● Республикада чиқиндисиз технологияни яхшилашга хизмат қилувчи 152 та қабул пункт-магазинлари ишлаб турибди. Улар аҳоли ва ташкилотлардан хилма-хил иккиламчи хом ашёни қабул қилиб, қайта ишлаш корхоналарига юбормоқда.



Тошкентдаги «Труд» фабрикаси иккиламчи ресурслардан турли буюмлар тайёрлашга ихтисослашган. Тайёрлов ташкилотлари етказиб берётган кўплаб саноат ва рўзғор чиқиндилари бу ерда қайта ишланиб, яна «ҳаёт»га қайтарилади.

Суратда: илғор ишчи Марҳамат Ортиқова ўз дастгоҳида смена давомида 500 килограммдан зиёд полиэтилен плёнка тайёрлашга эришаётир.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.



— Ўзимизники ҳам етарли, қани орқага бур...

(Сурхондарё область тайёрлов корхоналарида юзлаб вагон автомобиль шиналари тўпланиб қолган. Турли корхоналардан келаётган юк машиналари қайтариб юборилянти).



— Қурилганидан буён очилмаган шёкилли. Қабул пункти эмас, «қулф пункти» деса ярашаркан...

(Айрим қабул пунктлари эшигида бир неча кунлаб қулф осиғлиқ туради).

Расмларни М. УНГАРОВ чизган.

Тома-тома кўл бўлур

ЎН БИРИНЧИ чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш масаласи муҳокама қилинди. Унда, жумладан, иккиламчи хом ашё ёрдамида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бизда бундай тажриба бор. Лекин эндигина йўлга тушиб келаётган самарали ҳаракатни авж олдириш лозим бўлган тегишли ташкилотлар ҳамон бепарво, бегам. Маълумки, саноат ва маиший чиқиндиларни тўплаш ва уларни халқ хўжалигига хизмат қилдиришда аҳоли кўмагига таяниш муҳим роль ўйнайди.

Кейинги икки йилда «Узглавторресурси» бош бошқармаси тайёрлов идораларида аҳоли ёрдамида иккиламчи хом ашё тайёрлаш ҳажми анча ортди. Қабул пунктлари орқали аҳолига саноат молларини сотиш, камёб бадиий адабиёт харид қилиш ҳуқуқини берувчи абонементлар тарқатиш, мактаб ўқувчиларининг «Ватанга — 1 миллион тонна макулатура топширамиз!» шиори остидаги Бутуниттифоқ мусобақаси каби ташкилий иш формалари яхши натижа бераётир.

Аҳоли ёрдамида кўп миқдорда иккиламчи хом ашё тайёрлашни таъминлаш мақсадида тайёрлов системаси бўйича 152 қабул пункт-магазини очилган. Шуларнинг 130 таси муқим ишловчи, қолганлари эса кўчма пунктлардир.

Аҳоли ёрдамида иккиламчи хом ашё тайёрлаш фаолиятини баҳолашда бир қабул пунктига тўғри келадиган аҳоли сони муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Муқим ишловчи 1 қабул пунктига 5-6 минг кишининг тўғри келиши мақбул йўл ҳисобланади. Аммо Андижон, Навоий, Қарши, Фарғона, Нукус ва республикамизнинг бошқа айрим шаҳарларида бир қабул пунктидан фойдаланувчи аҳоли сони анча кўпроқ.

Маҳаллий Советлар йўли билан 1984 йилда Тошкент областида 2 та, Тошкент шаҳри ва Жиззах областларида биттадан қабул пункт-магазинлари очилди.

Бироқ халқ депутатлари маҳаллий Советларининг кўпчилиги қабул пункт-магазинлари тармоғини кенгайтиришга аҳамият бермаяптилар. Чунончи, Сурхондарё, Фарғона областлари, Қорақалпоғистон АССРда тегишли хоналар ажратиб берилмаслиги оқибатида бирорта ҳам қабул пункти ишга туширилмади. Айнан шу областларда ва автоном республикада иккиламчи хом ашё тайёрлаш қониқарсиз ташкил этилган. Хусусан, Сурхондарё областида икки жойда — Денов ва Термиз шаҳарларидагина биттадан қабул пункти бор, холос. Улар ҳам омборхоналарга эга эмас. Кўринсизгина ерда жойлашган бу қабул пунктлари эшигида кўпинча қулф осиғлиқ.

Ҳозирги вақтда бош бошқармада тайёрлов идораларини ривожлантириш бош схемаси ишлаб чиқилган. Унда муқим ишловчи ва кўчма қабул пунктлари тармоғини кенгайтириш, «Госснаб сервиси» деб аталувчи комплекс магазинлар қуриш мўлжалланган. Уларни фойдаланишга топшириш ишни олға силжитишга кўмаклашиши шубҳасиз.

Айни вақтда аҳоли ёрдамида иккиламчи хом ашё тайёрлашни кўпайтириш ишнинг янги формаларини излаб топишни талаб қилади. Республикамизда бундай илғор формалардан муайян даражада фойдаланиляпти. Қабул пункт-магазинлари макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материаллари эвазига аҳолига рўзғорда зарур бўлган арзон буюмларни — ип-газлама ва трикотаж буюмлар, сочиқлар, чинни идишлар, атторлик буюмлари ва кўплаб, бошқа маҳсулотларни тавсия этадилар. Улардан фойдаланиш макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материаллари тайёрлаш ҳажмини ўстириш имконини бераётир.

Ишлаб чиқариш-тайёрлов ташкилотлари абонементлар эвазига аҳолидан макулатура қабул қилувчи пунктлар очишни кўпайтиришни йил сайин тавсия этмоқдалар. Бу эса ана шу йўналишда фойдаланилмаган резервлар борлиғини кўрсатади, уни такомиллаштиришни талаб этади.

Макулатура тайёрлашни ташкил этишда мактаб ўқувчилари ва пионерлар ёрдамидан кенг фойдаланиш мумкин. 1983—1984 ўқув йилида пионер ва ўқувчилар томонидан макулатура тўплаш плани бажарилмади. У фақат Тошкент шаҳри ва Бухоро областидагина уддаланди. Ҳар бир ўқувчи ҳисобига макулатура тайёрлаш кўрсаткичлари ниҳоятда паст. Республикамизда бу — 2,49, Иттифоқимизда — 10,5 килограммни ташкил этади. Қарши шаҳрида эса — 0,38, Жиззахда — 0,62, Нукусда — 0,48 килограммга тўғри келади. Демак, жойларда ўқувчи-ёшлар бу жиддий иш билан шуғулланишга деярли жалб этилмаган.

Уй-жой бошқармалари ва идоралари ҳам иккиламчи хом ашё тайёрлаш ҳажмини кўпайтиришга даъват этилган. Аммо жойларда ишнинг ташкил этилиши ниҳоятда қониқарсиз. Уй-жой-коммунал хўжалиги органлари тайёрлов корхоналарига етарли ёрдам кўрсатмаяптилар. Бирорта ҳам уй-жой бошқармаси ва идорасида иккиламчи хом ашё тўплаш-сақлаш учун хоналар ажратилмаган, тайёрлов корхоналари билан шартномалар тузилмаган. Аҳоли яшаш жойларида кўп миқдорда рўзғор чиқитлари тўпланади. Бироқ улар аҳлатхоналарга чиқариб ташланади ёки ёқилади. Шу тариқа қоғоз саноати учун муҳим хом ашё шафқатсиз тарзда исроф қилинмоқда.

Шуни эслатиш лозимки, иккиламчи хом ашё тайёрлашни ташкил этиш доимий изланишни, унинг самарали йўллари, формаларини қидириб топишни талаб этади. Манфаатдорлик талаблари ҳам ҳисобга олинса, бу соҳада ишлаётган ходимларнинг масъулият ҳисси ортган бўларди. Таркиб топган моддий рағбатлантириш системаси афзалликларидан омилкорлик билан фойдаланилган тақдирдагина иккиламчи ресурсларни тайёрлаш проблемалари муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

Хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш, чиқитларни камайтириш, уларни иккиламчи хом ашё сифатида ишлатиш, нобудгарчиликка чек қўйиш миллионлаб кишиларнинг меҳнатини ва миллиардлаб сўм капитал маблағларни иқтисод қилиш, халқ истеъмоли моллариии кўплаб ишлаб чиқариш, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини оширишга ёрдам беради. Бу вазифани тўғри ҳал этиш, ресурслардан фойдаланишга нисбатан муносабатни ўзгартириш ҳар биримизнинг жонажон ишимиз бўлмоғи зарур.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида, фан-техника тараққиёти масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда, яқинда бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активининг йиғилишида иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг муҳим йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилди. Вазифа — шу кўрсатмаларни амалий тарзда рўёбга чиқариш учун қизғин кураш олиб боришдан иборат.

(Саҳифа материалларини «Совет Ўзбекистони» мухбирлари А. ХАЛИЛОВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, О. БОБОЖОНОВлар тайёрлаган).

РЕДАКЦИЯДАН: КПСС Марказий Комитетининг мазкур масалага бағишланган қарори «Узглавторресурси» системаси идоралари томонидан иккиламчи хом ашё тўплаш ва уни қайта ишлаш корхоналарига етказиб беришни бутун чоралар билан яхшилашнинг жанговар программаси сифатида қутиб олинди. Ҳозир барча тайёрлов корхоналарида иккиламчи хом ашё тайёрлаш бўйича иш методларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилаётир. Бу эса 1985 йил ва умуман беш йиллик планларини барвақт бажариш учун авж олиб кетган социалистик мусобақа самараларини кўпайтириш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Бироқ юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Энг аввало, иккиламчи ресурсларни етказиб берувчи корхоналар раҳбарларининг масъулиятини ошириш керак. Чунки, саноат учун зарур ва арзон хом ашё асосан завод-фабрикаларда тўпланади. Бу мураккаб ва кенг қиррали вазифани муваффақиятли ҳал этишда жамоат ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Айниқса маҳаллий Советлар ўз территорияларидаги барча ҳўжалик органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлашда ташкилотчи бўлишлари зарур.

Иккиламчи хом ашё топшириладиган қабул пунктлари тармоғи ҳамон талаблар даражасида эмас. Улар жуда кам. Қабул пунктлари, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда деярли ташкил этилмаган. Тайёрловчилар иккиламчи хом ашё қабул қилиш учун аҳоли яшаш жойларига бормайдилар, балки уни олиб келиб беришларини кутадилар. Кўчма қабул пунктлари тармоғи секинлик билан ривожланаётганлиги туфайли халқ хўжалиги учун зарур кўплаб хом ашё беҳуда йўқолмоқда.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги тайёрлов ташкилотларига аҳолининг талабига мос зарур буюмлар ажратишни қойда қилиб қўйиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу эса ишни яхшилашда катта наф келтиради, деб ҳисоблаймиз.

Масаланинг муҳимлиги ёдда тутилиши, иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш самаралари алоҳида эътиборга олиниши керак. Меҳнат коллективлари, министрлик ва идоралар, маҳаллий Советлар саноат ва маиший чиқиндилар тўпланишн кўпайтириш, шунингдек, қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш, қувватлардан тўла фойдаланиш учун зарур чоралар кўришлари лозим.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

БУТУН КУЧ—ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШГА!

● Чорва қишлови учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш кун сайин авж олмоқда.

● Илғор озуқакорлар ғанимат дамлардан унумли фойдаланиб, ем-хашак тайёрлаш суръатини оширишга эришмоқдалар.

● Айрим хўжаликларда мавжуд механизмлар ва ишчи кучлари ўрим-йиғимга тўла сафарбар этилмаганлиги туфайли озуқа жамғаришда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

● Барча ерда резерв ва имкониятлар, илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланиб, ўрим-йиғим суръатини оширайлик.

Ульянов районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози миришкорлари мардона меҳнат эвазига барча майдонларда маккажўхори бараввж, бўлиқ, серҳосил бўлиб ўсишини таъминладилар. Айрим жойларда ўсимликнинг бўйи 4 метрдан ошади. Бу — хўжаликда мўл-кўл «каҳрабо дон» ва силосбоп кўкпоя олинишидан дарак бермоқда. Суратда: озуқа тайёрловчилар бригадаси бошлиғи Маманазар Эсонов (чапда) бўлим бошқарувчиси Раҳмон Исмоилов билан маккажўхоризорда.

Ш. Шаропов фотоси. (ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» ва «Совет Қарақалпақстаны» газеталарининг қўшма рейди

АМАЛИЙ ЁРДАМ КЕРАК

Бундан икки ярим йил олдин автоном республикада чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида ихтисослаштирилган Бўзатов райони тузилган эди. Ўтган давр мобайнида колхоз ва совхоз марказларини ободонлаштириш, чорвадорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ чорвачиликнинг ҳозирги аҳволи шу куннинг талабига жавоб бермайди. Район хўжаликлари асосан гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган бўлишига қарамай, соҳани ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш учун зарур чоралар кўрилмаётир. Натижада планлар ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Чунончи, 16 июнгача ярим йиллик гўшт тайёрлаш плани атиги 56,4 процент бажарилди. Давлатга 1349 тонна ўрнига 762,4 тонна гўшт топширилди, холос.

Ж. Ибрагимов директорлик қилаётган «Қорақалпоқ» совхозида гўшт тайёрлаш ярим йиллик плани 17 процент, Ч. Қўсмағамбетов директорлик қилаётган «Порлитов» совхозида 22 процент, Қ. Қодиров директорлик қилаётган «Аспантой» совхозида 33 процент, К. Тожибоев директорлик қилаётган «Қозоқдарё» совхозида 47 процент бажарилди. Бу асосан жамоат чорвачилигининг озуқа базасини мустаҳкамлашга эътибор берилмаганлигининг оқибатидир.

Қиш ғамини ёзда е, деган мақолни халқимиз бежиз айтмаган. Ёзда қишловга ким яхши ҳозирлик кўрса, етарли миқдорда ем-хашак тайёрласа, қишни ҳам чиқимсиз ўтказади, моли тўқ, семиз бўлади. Бироқ район хўжаликларида мана шу оддий ҳақиқатни ҳам, ўтган қишлов сабоқларини ҳам унутиб юборишди. Ем-хашак тайёрлашга ҳанузгача киришилгани йўқ. «Тўрткўл» совхозида дағал хашак тайёрлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

— Бу йил неча тонна хашак тайёрлашни планлаштиргансизлар? — сўраймиз партия ташкилоти секретари Манғитбой Жақсимуродовдан.

— Тоннасини билмайманку, аммо етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаймиз.

— Ҳар бош қорамолга қанчадан ем-хашак жамғарилади?

— Эсимда йўқ...

— Ем-хашак тайёрлаш бўйича тузилган отрядларнинг иши ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳозирча пичан ўришга киришганимиз йўқ. Эрта-индин суръатни кескин оширамиз. Суҳбатимизга қўшилган совхоз директори Ш. Жуманазаров ҳам беданинг иккинчи ўримига киришилгани, қамиш ўришга ҳозирлик кўрилаётгани ҳақидаги ахборотдан бошқа бирор нарсани айтолмади.

Бу йил район хўжаликларида 92 минг тонна дағал хашак жамғарилиши керак. Ҳозиргача 5067 тонна тайёрланди, холос. «Олғабос», «Эркиндарё», «Тўрткўл», «Қозоқдарё», «Порлитов» ва бошқа совхозларда тайёрланган дағал хашаклар йиллик планнинг 1,5—5,5 процентидан ошмаяпти. Районда бу йил 12 минг тонна сенаж тайёрланиши лозим. Биз хўжаликларда бўлган кунгача эса бирор килограмм ҳам бостирилмади. Витаминли ўт унидан атиги 15 тонна тайёрланди. Еттита хўжаликда витаминли ўт уни тайёрлашга ҳанузгача киришилган эмас.

Районда озуқа экинлари парвариши ҳам ўлда-жўлда. Ҳар бир хўжаликда силос ва дон учун катта-катта майдонларга маккажўхори экилган. Бедапояларга ишлов бериш, озиқлантириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Маккажўхоризорлар, бедапоялар ҳалигача бир марта ҳам суғорилмаган. Бунинг сабаблари кўп. Аввало, сув танқислигига барҳам берилган эмас. Оби-ҳаёт етишмаслиги туфайли катта қийинчиликлар юзага келмоқда.

Район хўжаликларини сув билан таъминлашда Амударё дельта ишлаб чиқариш сув хўжалиги бошқармаси, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги район меҳнаткашларига амалий ёрдам кўрсатишга шошилишмаётир. Ем-хашак тайёрлашни тезлаштириш мақсадида ҳар бир хўжаликда 2-3 тадан хашак ўриш отряди тузилган. Бу отрядларга 310 киши, 210 та турли техника воситаси, 30 та автомашина, 90 та транспорт ва тележка бириктирилган. Лекин бу воситалар ҳамон ҳаракатга келтирилганича йўқ. Ержон, Отов, Қорасув массивларидаги табиий ўтларни ўриш ва йиғиштириб олиш ҳам қониқарсиз ташкил этилган. Район агросаноат бирлашмалари совети ва унинг раҳбарлари график тузиб, хўжаликлардан маълумот олиш, жойларга телеграммалар йўллашдан нарига ўтмаяптилар.

Хўжаликларда ишчи кучлари ҳаддан ташқари камлиги туфайли асосий иш техника зиммасига юкланган. Лекин машина-механизмларнинг ҳаммаси мавсумга шай, деб бўлмайди. Эҳтиёт қисмлар йўқлиги туфайли техника воситалари ўрим-йиғимда қатнашмаётир. Хўжаликларда маккажўхори донини йиғиштириб олишга тайёргарлик ҳам қўнгилдагидек эмас. Дон комбайнлари етишмайди.

Демак, район хўжаликларида етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаш учун республиканинг тегишли министрликлари, бошқармалари, ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатишлари лозим. Акс ҳолда чорва маҳсулотлари етиштириш планларининг бажарилиши хавф остида қолиши мумкин.

А. ХОЛМУРОДОВ,
«Совет Қарақалпақстаны» газетаси муҳбири.
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

• КИТОБЛАР ОЛАМИДА

НУРЛИ ЙЎЛ

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ • ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Улуғ Ленин даҳоси, Коммунистик партия ардоғида Совет Ўрта Осиёси республикаларида бутун мамлакатимизда бўлгани сингари, тарихда мислсиз, катта иқтисодий-сиёсий, социал-маданий ўзгаришлар юз берди. Умрини халқ хизматига бахшида этган азиз сиймолар орасида ўзбек халқининг ҳам муносиб фарзандлари бор. Шулардан бири Ўзбекистон халқ оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевдир. Республика Марказий Ижроия Комитетининг биринчи Раиси туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида чиққан «Йўлдош Охунбобоев. Танланган асарлар» китобини КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Партия тарихи институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи биргаликда тайёрлаган.

Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов сингари атоқли партия ва давлат арбобларининг танланган асарлари қаторидан Йўлдош Охунбобоев танланган асарларининг тўлдирилган иккинчи нашри ҳам муносиб ўрин олди. Бир томдан иборат бу тўплам И. Охунбобоевнинг республикамиз ва Ўзбекистон Коммунистик партияси эндигина ташкил этилган 1925 йилдан 1943 йилгача бўлган даврдаги энг муҳим рисолалари, мақолалари, докладлари, нутқ ва хатларини ўз ичига олган. Бу асарларда ишчилар синфининг тарихий вазифаси, пролетариат диктатураси, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи, Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли, миллий масала тўғрисидаги марксча-ленинча ғоялар атрофлича изоҳлаб берилган.

Маълумки, мамлакатимизда социализм ғалабасини таъминлаш учун кескин кураш йилларида Ўзбекистон улуғ рус халқи ва бошқа қардош халқлар ёрдамида, Коммунистик партия раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият юксак даражада ривожланган республикага айланди. Йўлдош Охунбобоев асарларида социалистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларидаги зўр меҳнат кўтаринкилиги, ленинчи партиянинг стратегик йўли, олға томон тараққиёт тақозо этган долзарб вазифалар ҳақида қиқош қилинади. «Беш йиллик тажриба ва олтинчи йилга қадам (Ўзбекистоннинг беш йиллигига)», «Ўзбекистонда Октябрь инқилоби» асарларида бу мазмун, айниқса, кенг очиб берилган.

Халқ оқсоқоли асарларида ер халқ бойлиги эканлиги, уни эъзозлаш, мўл ҳосил манбаига айлантириш зарурати, коллектив хўжаликлар тузиш масалалари, колхоз тузумининг афзалликлари кенг ёритилган. «Ўзбекистонда Октябрь инқилоби» деган брошюранинг «Қишлоқ хўжалигининг социалистик асосда қайта қурилиши» боби, «Ўзбекистон колхозчиларининг ташкилий вазифалари» номли брошюраси, «Марказий Ижроком 2-сессиясининг якунлари ва «Ўзбекистон Шўроларининг вазифалари», «Октябрга эзилган ва Октябрдан кейин озод деҳқонлар», «Ғалла ва пахтани йиғиш ҳам давлатга топшириш тўғрисида», «Ўзбекистонда дон хўжалигини ривожлантириш тўғрисида», «Менинг Ватаним», «Колхозларда бригада ва звеноларни тўғри ташкил қилиш ва мустаҳкамлаш зарур» каби доклад, нутқ ва мақолаларда партия аграр сиёсатининг моҳияти, илғор тажрибалар, деҳқончилик маданиятини тараққий эттиришнинг актуал масалалари ёритилган.

СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли оширишда Й. Охунбобоевнинг хизматлари катта. «Пахта проблемаси ҳақида», «Сифатли ва узун толали пахта учун кураш давридамиз», «Пахтадан юқори ҳосил олиш учун курашайлик», «Ленин декрети асосида эришилган ютуқлар», «Социалистик пахтачиликни янада юксалтириш учун», «Агротехника ютуқларидан ва кекса деҳқонлар тажрибасидан кенг фойдаланайлик» каби нутқлар, асарлар пахтачиликни ривожлантириш ҳаётий зарурият эканлигини исботлаш, даъватқор кучи билан ҳам диққатга сазовордир.

Йўлдош Охунбобоевнинг Ўзбекистонда совет қурилиши, давлат аппаратини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни озод қилиш, саводсизликни тугатиш, маданий қурилиш, илм-фан тараққиётининг аҳамияти ҳақидаги фикрлари ҳам китобдан кенг ўрин олган.

Муҳим саноат корхоналарини Шарқ районларига, жумладан, Ўзбекистонга кўчириш ва жойлаштиришда, диёримизга эвакуация қилинган болаларни Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялаш, адиблар, санъат аҳлларининг ижодий меҳнати тўғрисида ғамхўрлик қилиш Йўлдош Охунбобоевнинг Улуғ Ватан уруши кезларидаги фаолиятида муҳим ўрин олди.

КПСС, унинг жанговар ва илғор отрядларидан бири — Ўзбекистон Коммунистик партияси тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида кадрлардан, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, меҳнат ва давлат интизомига қаттиқ риоя этишни талаб қилмоқда. Бу жиҳатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида алоҳида таъкидланди. Биз фикр юритган тўпламнинг яна бир аҳамияти шундаки, унинг бутун мазмуни партиямизнинг ана шу доимий талаби билан ҳамоҳанг ва китобхонлар учун кўп жиҳатдан ибратлидир.

Халқ оқсоқоли ҳаётининг нурли йўли ҳақидаги мазкур асар «Ўзбекистон» нашриёти томонидан нашр этилган.

С. СОЛИЕВ,
тарих фанлари доктори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ишлар мудирлигининг бухгалтер-кассири ўрток Асия Фатиховна **Урмеевани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«Сут нега оз?»

«Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз» рубрикаси остида босилган юқоридаги сарлавҳали (газетанинг шу йил 4 май сони) мақолада Боғот районинги айрим хўжаликларида сут етиштириш кескин камайиб кетганлиги, маҳсулот тайёрлашда план интизомининг бузилишига йўл қўйилаётганлиги ва бошқа камчиликлар очиб ташланган эди.

Ушбу мақола юзасидан БОҒОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда шундай дейилади:

— Мақола район партия комитети бюросида муҳокама қилиниб, келтирилган фактлар тўғри, деб топилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда нуқсонларга йўл қўйганликлари учун Димитров номли колхоз раиси М. Отаниёзов, ферма мудири А. Авезов, «Победа» колхози раиси С. Сафоев, ферма мудири Ҳ. Полиёзов, «Ленинизм» колхозининг цех партия ташкилоти секретари И. Сотимовлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Районда чорвачилик соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Жумладан, фермаларга район активларидан партия ташкилотчилари бириктилди. Сигирларни оширилган рацион асосида озиқлантириш ташкил этилди. Чорвадорларнинг иш шароитини яхшилаш бўйича ҳам анча ишлар қилинди. Сут соғувчилар ўртасидаги социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги оширилди.

Район партия комитети бюроси район агросаноат бирлашмаси Советига, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириш, фермаларда давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш вазифасини юклади.

«Баҳона тош босмайди»

Газетамизнинг шу йил 83-сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Сурхондарё областининг баъзи колхоз-совхозларида чорва маҳсулотлари тайёрлаш қониқарсиз аҳволда эканлиги, соғин сигирлардан сут олиш илгариги йилларга нисбатан бирмунча камайиб кетганлиги ва бошқа камчиликлар очиб ташланган эди.

Ушбу мақола юзасидан СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ редакциямизга жавоб йўллаб, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида маълум қилди:

— Таниқид тўғри, деб топилди. Мазкур мақола область партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Чорвачиликда камчиликларга йўл қўйганлиги, мутахассислар иши устидан назоратни таъминламаганлиги учун область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Э. Шерматов қаттиқ жазоланди.

Мақола область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ва районлар агросаноат бирлашмалари Советларида ҳам муҳокама қилинди.

Қумқўрғон район агросаноат бирлашмаси Совети қарорига кўра қорамоллар маҳсулдорлигини пасайтириб юборганликлари учун «Партия XXVI съезди» совхози бош зоотехниги С. Розиқов вазифасидан бўшатилди. «Москва» колхози бош зоотехниги Д. Қаршиевга, мазкур хўжаликнинг 1-ферма мудири Р. Муродовга сўнгги огоҳлантириш билан ҳайфсан эълон қилинди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, топширилган иш учун кадрлар масъулиятини ошириш юзасидан кўрилган қўшимча чора-тадбирлар юқорида қайд этилган хўжаликларда, умуман, область бўйича сут тайёрлашни бирмунча ошириш, қорамолларни парвариш қилишни яхшилаш, зооветеринария хизмати кўрсатиш даражасини кўтариш, чорвачилик фермаларини механизациялаш, озуқабоп экинлар экиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш имконини берди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬЮ-ЙОРК. БМТ қарорғоҳида «Фаластин халқининг даҳлсиз ҳуқуқи» мавзуида халқаро семинар иш бошлади. Семинарда кўпгина мамлакатлар, жумладан, Совет Иттифоқи, Қўшма Штатлар, Араб давлатларининг сиёсат ва жамоат арбоблари, олимлари иштирок этмоқдалар. Кун тартибидаги асосий масала—Яқин Шарқ хусусида халқаро конференция чақириқдир. Совет Иттифоқи олға сурган ана шу конференцияни чақириш ғояси халқаро жамоатчилик томонидан тобора кенг қўллаб-қувватланмоқда.

● ЛОНДОН. Тараққийпарвар инглиз жамоатчилигининг норозилигига қарамай, Буюк Британиянинг молия корчалонлари консерваторлар ҳукуматининг паноҳида ирқчи ЖАР билан ҳамкорликни кенгайтирмоқдалар. Бу ерда нашр этиладиган ҳафталик «Лейбор уикли» газетаси ана шундан даполат берувчи янги маълумотларни келтиради. Ҳафталикнинг таъкидлашича, инглиз банклари Претория режимига катта миқдорда қарз берувчи банкларга айланган. Масалан, фақат «Хилл Самуэл» банкининг ўзигина 1982 йилнинг июнидан 1984 йил декабригача бўлган даврда ЖАРга 1 миллиард 400 миллион доллар қарз берган.

● ДАМАШҚ. Сурия президенти Ҳафиз Асад Ливан бош министри Рашид Караме билан шу мамлакат депутатлар палатасининг раиси Ҳусайн ал-Ҳусайнини қабул қилди. Олдин улар Сурия ҳукуматининг бошлиғи Абдул Рауф Қосим ва Сурия Араб Республикаси Халқ Кенгашининг Раиси Маҳмуд аз-Зуаби билан музокаралар олиб борган эдилар. Ана шу учрашувлар чоғида Ливандаги аҳвол ҳамда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш йўлида бу давлатлар дуч келаётган қийинчиликлар тўғрисида фикрлашиб олинди.

● ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти баъзи элементлари космосда жойлаштириладиган мудофаа системасидан фойдаланиш учун ядро қуролларининг янги хилларни ва турларини жадал ишлаб чиқмоқда. «Балтимор сан» газетасига маълум бўлишича, президент Рейган май ойининг охирида миллий хавфсизлик кенгашининг «Ядро қуролидан энергия олиш вариантларини тадқиқ этишни кўзда тутувчи маҳфий директивага имзо чеккан.

● РИМ. Италиянинг Турин шаҳрига яқин Кол-дель-Лис деган жойда Италия нацистлар зулмидан озод қилинганлиги ва фашистлар Германияси тор-мор этилганлигининг 40 йиллигига бағишланиб антифашистлар намойиши бўлиб ўтди. Намойиш доирасида урушга қарши оммавий митинг ўтказилди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар Пьемонт области партизанлар ҳаракатининг асосий марказларидан бири бўлганлигини, бу ерда итальян ватанпарварлари билан ёнма-ён туриб турли миллат антифашистлари, жумладан, совет солдатлари жанг қилганликларини таъкидладилар. (ТАСС).

Шарҳловчи минбари

ҲАМКОРЛИК ВОСИТАСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан БМТ Бош Ассамблеясининг 1984 йил 17 декабрдаги резолюциясига биноан 1985 йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йили сифатида нишонлашга қарор қилинди. БМТнинг халқаро ташкилот сифатида таркиб топишига асос солган воқеалар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг қабул қилиниши алоҳида ўрин тутади.

БМТ Устави 50 давлат вакиллари томонидан 1945 йилнинг 25—26 апрель кунлари Сан-Франциско конференциясида ишлаб чиқилди. Устав 1945 йилнинг 26 июнида имзоланди. БМТ Уставига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига янги давлатларни қабул қилиш Хавфсизлик Кенгашининг тавсияномаси билан Бош Ассамблеянинг қарори бўйича амалга оширилади. Дастлабки йилиёқ БМТга 51 давлат аъзо бўлган эди. 1985 йилнинг 1 январига келиб бу нуфузли халқаро ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг сони 159 тага етди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг кириш қисмида қайд қилингани-дек, БМТнинг асосий мақсади келажак авлодларни урушлар офатидан ҳалос қилиш, адолат ва халқаро ҳуқуққа ҳурматни таъминлаш, ер юзидаги барча кишиларнинг турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашишдан иборатдир.

Миллатлар ҳамжамиятининг Устави Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бирон бир давлатнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқини бермайди.

Инсоният олдида пайдо бўлаётган янги вазифалар ва муаммолар таъсири остида БМТнинг Уставига маълум тузатишлар киритилади. 70-йиллар ўрталарида Уставга киритилган тузатишлар БМТнинг икки асосий органи — Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Социал Кенгашнинг аъзолик таркибини кенгайтириш масаласига тааллуқли эди.

БМТни тузишда асосий ташкилотчиларидан бири бўлган СССР дунёнинг урушдан кейинги тузилишида адолатли принципларни белгилаш, БМТнинг мақсадларини ишлаб чиқиш, унинг демократик принципларини ҳимоя қилишда асосий роль ўйнамоқда. Ҳозирги пайтда БМТ йилини ўтказиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар атрофида кескин сиёсий кураш кетмоқда. БМТнинг 40 йиллигини ўтказиш бўйича юздан ошиқ давлатдан ташкил топган Тайёргарлик комитети иш кўрмоқда. Унда СССР социалистик ва қўшилмаган мамлакатларнинг кўмаги билан халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқда. Америка Қўшма Штатлари ва унинг иттифоқчилари эса бу тадбирга ўта юзаки қарамоқдалар. Ғарб давлатлари БМТ органларида иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини **байрам қилишга ҳам қаршилик кўрсатган эдилар.**

Совет Иттифоқи ўзининг БМТ Устави мақсадлари ва принципларига садоқатидан келиб чиқиб, ҳамжамиятнинг 40 йиллигини байрам қилиш ядро уруши хавфининг олдини олишга, қуролланиш пойгасини чеклашга, халқаро кескинликни юмшатишга, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

1985 йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йили сифатида нишонлаш иккинчи жаҳон урушида фашизм устида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бу Ғалабага Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Бу тарихий Ғалаба Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши учун шарт-шароитларни вужудга келтирди. Совет Иттифоқи шунга аминдирки, гитлерчиларга қарши коалициядаги мамлакатларнинг ҳамкорлиги асосида вужудга келган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида келишиб ҳаракат қилишлари учун муҳим роль ўйнайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан 40 йил муқаддам қабул қилинган ўз Уставига амал қилган ҳолда кескин халқаро муаммоларни ижобий ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев таъкидлаганидек, Совет Иттифоқи БМТни тинчликнинг таъсирчан қуроли деб билиб, унга ҳамиша катта аҳамият бериб келди ва бермоқда, қирқ йил муқаддам БМТни тузиш учун асос қилиб олинган одилона демократик принциплар халқаро муносабатлар практикасида мустаҳкам қарор топиши учун янги қадамлар қўйишга тайёрдир.

Б. ИСЛОМОВ.

ҲУКУМАТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

КОНАКРИ, 8 июль. **ТАСС мухбири В. Павлов хабар қилади:** Бу ердаги Халқ саройи олдида Гвинея ҳукуматини қўллаб-қувватлаб оммавий митинг ўтказилди. Митингда нутқ сўзлаган республика президенти генерал Лансана Конте давлат тўнтариши йўлидаги уриниш армиянинг қатъий ҳаракатлари натижасида ва аҳолининг мадади билан барбод этилди, деб таъкидлади. Исённинг кўпгина ташкилотчилари, шу жумладан, уларнинг бошлиғи полковник Диарра Траоре қамоққа олиндилар. Ҳукуматга қарши исёнга дахлдор бўлган шахслар халқ суди олдида жавоб берадилар, деб уқтирди президент.

Гвинея ҳукумати, деб таъкидлади Л. Конте, халқ билан мамлакат манфаатларига қарши қаратилган ҳар қандай ишларга қатъиян чек қўяди. Президент аҳолини миллий адоватни авж олдирмасликка, тартиб сақлашга, бирлик ва жипсликни мустаҳкамлашга даъват этди.

Пойтахтдаги вазият нормаллашиб бормоқда. Бироқ комендантлик соати давом этмоқда, мамлакат чегаралари ҳали очилгани йўқ. Фитнанинг бошқа қатнашчилари қидирилмоқда.

ЭРОН-ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 8 июль (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида хабар қилинишича, ўтган кунлар мобайнида Ироқ артиллерияси Эрон—Ироқ фронтининг бутун чизиғи бўйлаб Эрон қўшинларининг тўпланиб турган жойларига, позицияларига ва инженерлик иншоотларига «самарали зарбалар» урган. Душманнинг ўнлаб кишиси ўлдирилган, ўқдори омборлари, пиёда аскарларининг пана жойлари яксон қилинган. Фронтнинг марказий участкасида Эрон қўшинларининг Ироқ позицияларига яқинлашиш йўлидаги уринини даф этилган.

Эроннинг оғир артиллерияси Халабча қишлоғини тўпга тутган, деб хабар қилинади ахборотда.

НИКОСИЯ, 8 июль. (ТАСС). Кеча бутун фронт чизиғи бўйлаб тўп отишмалари давом этди, деб хабар қилади, Эроннинг ИРНА ахборот агентлиги.

Душман Сардашт шаҳри районида Эрон қўшинларининг позицияларига ҳужум қилган, аммо сезиларли талафот кўриб, чекинишга мажбур бўлган. Эроннинг осмон ҳужумидан мудофаа кучлари душман авиациясининг Пироншаҳр яқинида Эроннинг осмонига ёриб ўтиш йўлидаги уринишини даф этишган.

Ироқ артиллерияси Ободон шаҳрини тўпга тутган.

БОСҚИНЧИЛАРНИНГ БЕДОДЛИКЛАРИ

БАЙРУТ, 8 июль. (ТАСС). Исроил агрессорлари ҳамда уларнинг қўғирчоқлари Ливаннинг жанубий районларидаги тинч аҳолига қарши жабр-зулмни кучайтирмоқдалар.

Кантара қишлоғи бир неча кундан буён қамал ичида. У ерда ҳамон комендантлик соати амалда бўлиб, кўчаларда армия нарядлари соқчилик қилишмоқда. Шааба қишлоғида террор муҳити ҳукм сурмоқда. Бу ерда ялпи тинтувлар ўтказилмоқда. Босқинчилар жазолаймиз, деб таҳдид қилиб, маҳаллий аҳолини «миллий гвардия» деб аталмиш гвардияга киришга мажбур қилишга урниб кўрдилар. Аммо аҳоли Исроил маъмурларининг талабларига бўйсунишдан бош тортди.

Бедодликлар тўхтовсиз давом этаётганлиги натижасида Исроил билан чегарадош районларнинг аҳолиси туғилиб ўсган жойларини тарк этишга ва бебошликдан қочиб, мамлакатнинг озод қилинган районларига жўнаб кетишга мажбур бўлмоқда. Кейинги кунларда Сужуд ва Рихани қишлоқларини эллиддан зиёд оила тарк этди.

Ливан ватанпарварлари Исроил босқинчиларига ва уларнинг «Жанубий Ливан армияси»даги гумашталарига қарши мардона курашни давом эттирмоқдалар. Улар ўтган кунлар мобайнида Швея, Ятер ва Рихани аҳоли пунктлари районида босқинчилар билан Тель-Авивга ёлланган сотқинларнинг позицияларига ҳужум қилиб, уларни гранатамёт ва автомат қуроллардан ўққа тутдилар. Исроилликлар билан малайларининг аскарлари ва техникасига талафот етказилди.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«МЕҲНАТ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ЧОП ЭТДИ:

М. Я. ГАВРИЭЛОВ. Қорақўлчиликни ихтисослаштириш. 119 бет. Баҳоси 25 тийин (рус тилида).

Китобда қишлоқ хўжалик тармоқларини ихтисослаштиришнинг самарадорлиги масалалари ҳақида, қорақўлчиликда концентрациялаш ва кооперациялашнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилади.

А. МУМИНОВ, К. НАСРИДДИНОВ. Олтин қўллар. 40 бет. Баҳоси 5 тийин.

Рисолада Балиқчи районидаги «Партия XXV съезди» колхозининг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги тажрибалари ҳикоя қилинади.

Р. АБДУЛЛАЕВ. АСК: бошқариш ва меҳнатни ташкил қилиш. 134 бет. Баҳоси 40 тийин.

Китобда қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш ва унинг унумдорлигини оширишга доир масалалар, тавсиялар берилади.

Б. КУЧАРОВ. Ингичка толали пахта етиштириш экономикаси. 60 бет. Баҳоси 15 тийин.

Китобчада республикамизда ингичка толали пахта етиштиришнинг самарадорлиги ва бу тармоқни жадал ривожлантиришга имкон берадиган омиллар, жумладан, ерларнинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш масалалари таҳлил этилади.

Н. Д. БЕЛИЙ, С. Н. БЕЛИЙ. Сифатни планлаштириш — экономика асосидир. Баҳоси 1 сўм 80 тийин (рус тилида).

Монографияда маҳсулот сифатини планлаштиришнинг айрим методологик ва методик масалалари ҳақида гап боради.

С. Ғ. ҒОФУРОВ, Ю. Т. ДОДОБОЕВ. Чорвачилик фермаларини механизациялаштиришдан практикум. 120 бет. Баҳоси 20 тийин.

Қўлланмада 17 та лаборатория иши берилган. Лаборатория ишларининг назарий қисмида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган двигателлар, машина ва иш қуролларининг тузилиши, ишлаш принципи таҳлил қилинган.

Т. М. ҲАЙДАРОВ. АСК: ривожланиш, проблемалар, иқтисод. 175 бет. Баҳоси 80 тийин. (рус тилида).

Китобда агросаноат комплексини шакллантириш тажрибаси умумлаштирилиб, агросаноат интеграциясининг ҳозирги босқичидаги асосий йўналишлари тўғрисида сўз юритилади.

СПОРТ

БУТУНИТТИФОҚ ЎСМИРЛАР ЎЙИНЛАРИ:

МЕДАЛЛАР ҚУПАЙМОҚДА

Ҳаҳрамон шаҳарларда ўсмирларнинг биринчи марта ўтказилаётган спорт ўйинлари тобора қизғин тус олмоқда. Республикамиз спортчилари қизғин беллашувларда қимматли очколар тўплаб, терма командамиз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Қайиқ ҳайдаш бўйича баҳсларда вакилларимиз бир неча бор ғолиблик супасига кўтарилиб, кўпчиликни мамнун этишди. Боксчиларимиздан икки нафари ғолибликка даъвогар бўлиб турибди. Жумладан, И. Парпиев билан А. Аҳроров кеча Киев рингида ҳал қилувчи учрашувда иштирок этишди.

Волгограда давом этаётган сузувчилар мусобақасида спортчиларимиз 2 та олтин, 1 та бронза медалига эга бўлишди. Д. Паньков 200 ва 400 метрга эркин усулда сузишда маррада биринчи бўлди. Е. Колмакова эса 200 метрга чалқанча сузиб, учинчи натижа кўрсатди.

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда республикамизда ҳаво бир оз булутланиб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-25, кундузи 34-39, жанубда 42 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 21-23, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

Танишинг: Москва фестивали қатнашчилари

НАМУНА КЎРСАТИБ...

● Ёшлар ва студентларнинг Москвада XII Жаҳон фестивалида Чортоқ районидаги А. Навоий номли колхоз бригадири Маҳмуда Холмирзаева серқуёш республикамиз делегацияси составида иштирок этади. У бундай ишончга ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги, изланувчанлиги билан сазовор бўлди.

Маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи М. Холмирзаеванинг номини районда ҳурмат билан тилга олишади. Ўтган йили унга қолоқ бригадани топширишди. Дастлаб устозлар тажрибасини пухта ўрганди, ўз тенгдошлари билан маслаҳатлашди. Техникадан унумли фойдаланиш, ишга виждонан ёндашиш, мўл ҳосил олишнинг гарови эканлиги амалда исботланди. Ҳар гектар ердан 80 центнердан дон олинди.

Эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмаслик бригада шиорига айланди. Бу йил гектаридан 100 центнердан «каҳрабо дон» олиш учун социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Бу район бўйича кўрсаткичдан икки баравар кўпдир. Айни кунларда маккажўхорикорлар даласида бўлсангиз кўзингиз қувнайди. Аҳдга яраша ҳосил тўпланяпти.

Ёшлар сардори ўз билимини тинмай оширяпти. Тракторчилар курсини битирди, қишлоқ хўжалик техникумини сиртдан ўқиб тугатди. Ташаббускор, жонкуяр бригада бошлиғи Москва фестивалидан зўр таассурот олиб, ўз ҳамкасблари даврасига қайтиши шубҳасиздир.

Суратда: бригада бошлиғи Маҳмуда Холмирзаева.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ШОН-ШУҲРАТ УЙИЛАРИ

● Чортоқ районида 8 та «Шон-шуҳрат уйи» бор. Улар меҳнаткашларнинг севимли зиёратгоҳига, турли авлод вакилларининг учрашув жойига айланиб қолган.

Яқинда «Ўзбекистон» совхозида тўққизинчи «Шон-шуҳрат уйи» очилди. Унда 4 та бўлим бор. Экспозициялардан бирида Алихон қишлоғининг тарихи ўз ифодасини топган. «Улуғ Ватан уруши йилларида қишлоғимиз» деб номланган бўлимда алихонликларнинг Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилинади.

С. МУСАБОЕВ.

ҚИШЛОҚ ЧИРОЙИ

● Нурота шаҳри кун сайин обод бўлмоқда. Бу ерда қад кўтарган маданий-маиший объектлар шаҳар чиройига кўрк қўшди.

Яқинда шаҳарнинг Чашма участкасида 60 ўринли янги меҳмонхона қуриб битказилди. Бинони 107-механизациялашган кўчма колоннанинг бунёдкорлари барпо этдилар.

М. РАҲМАТОВ.

ИЛМИЙ-АТЕИСТИК КЕЧАЛАР

● Шу кунларда Андижон области район ва шаҳарларида атеистик пропаганда ўн кунлиги давом этмоқда. Унда — атеистик мавзуда лекциялар ўқилиб, саволжавоб кечалари ўтказилмоқда.

Бу кечаларда областимизнинг олий ўқув юртлари табиатшунослик ва ижтимоий фанлари олимлари, мутахассислар, республика Илмий атеизми уйининг область филиали партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари қатнашмоқда. Шундай кечалардан бири Ленинск шаҳридаги савдо-кооператив техникумида ўтказилди. Унда 500 га яқин киши иштирок этди.

Бундай кечалар Қўрғонтепа районидаги электр тармоқлари ташкилоти ҳамда шу райондаги ҳунар-техника билим юртида ҳам ўтказилди.

У. АҲМАДЖОНОВ.

ЯНГИ МАШИНАЛАР — ЭНГ ЯХШИ ШОФЁРЛАРГА

● Андижон кўчаларида икки баравар кўп пассажир ташийдиган янги «Икарус» автобуслари қатнай бошлади.

Бу машиналар 2511-автоколоннанинг энг яхши шофёрлари Х. Уроқов, В. Коваль, К. Ҳожамов ва бошқаларга ишониб топширилди. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, йил давомида йўлга чиқариш мўлжалланган ўнта шундай автобус шаҳарнинг аҳоли кўп қатнайдиган йўлларида пассажирлар гавжум соатларда транспорт қатновини яхшилайди.

(ЎзТАГ).

ИЧИМЛИКЛАР МАЛИКАСИ

Мен жуда иссиқ—термик цехда бир неча йилдан бери ишлайман. Чойдан бўлак совуқ ичимликлар истеъмол қилганимда мазам қочади—дармоним қуриб, бўшашиб кетаман. Чой ичсам, акси бўлади. Унда қандайдир сир-асрор борми-кан!

Тўхтапўлат НОРИМОВ,
Тошкент асбобсозлик заводи ишчиси.

Шунингдек, чой ҳақида кенгроқ маълумот берилишини сўраб газетхонлардан—«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Ниғмат Солихов, Тошкент шаҳар «Водоканал» трести шофери Мирғиёз Мирниёзов, Киров районидаги 29-ҳаммом қозонхонаси оператори Ҳикмат Солихов ва бошқа ўртоқлар ҳам мактублар йўллашган.

ИНСОН ФАРЗАНДИ. У одам каби яшаб, одам каби умр кўради. 4-5 ёшдан эл-юрт хизматига «бел боғлаб», гуллай бошлайди. Ўндан етмиш ёшгача—ўсимлик, навқиронлик даврларида энг кўп ҳосил беради. Аср билан юз кўришгунча инсон қалбидек қаримайди—ям-яшиллик кўркини сақлайди. Иссиқсевар ва намсевар. Туғилган йили IV аср, Хитой. IX асрдан бошлаб унинг авлодлари Япония, Кореядан ошиён топишди. 1814 йили Ҳиндистонга «сафар» қилди ва шу ерда ўтроқ бўлиб қолди. Россияда чой ичимлик сифатида 1638 йилдан расм бўла бошлади. Орадан салкам 200 йил ўтгач Қримга «чақирилди», ҳавоси ёқмади. 1847 йил Грузия бўйлаб «саёҳати» унга жуда хуш келди ва шу ўлкада умрбоқий яшаб қолди. Хитой чойи турларидан дурагайлаштирилган юқоридаги ўсимлик кейинчалик Ажария, Краснодар ва Озарбайжонда илдиз ёзди. Танаси 12-14 даража қуруқ совуққа бардош берди. Революциядан аввал бу экин фақатгина 900 гектар ерда ўстирилган бўлса, эндиликда 71 минг гектар майдонни ташкил қилади. Мамлакатимизда шифобахш чойнинг «Грузин—1», «Грузин—2», «Зимостойкий» ва бошқа маҳаллий навлари яратилган.

Нега инсониятнинг учдан икки қисми чойни асрлар оша севиб истеъмол қилиб келади? Шифо учунми? «Истараси иссиқлиги» ёки кишилар ўртасида мулоқот воситаси бўлгани учунмикин?! Ҳар ҳолда, мавжудотлар орасида биринчи бўлиб уни инсон кашф этди. Унга «помил чой», «кўк чой», «сариқ чой», «қизил чой», «қора тахта чой» каби исмлар қўйиб ардоқлади, тилидан туширмади. Шу боисдан бўлса керак, чой яратилибдики — одамзот хизматида: — нонуштада, пешинликда, оқшом ва кечқурунги дастурхонда одамларни бардам, хушвақт, баҳри-дилини очиш учун ҳозиру нозир. Ана шу хислатлари учун ҳам халқимиз уни оромбахш ичимлик, деб ардоқлайди.

БИРИНЧИ СЎЗ.. Нон ва чой. Иккисини бир-биридан ажратиб истеъмол қилиш қийин. Айтайлик, уйингизга меҳмон келиб қолди. Дастурхонга олдин нон, кейин чой тортасиз. Чой ўрнига новвоти асал, шарбату қиём, «боржоми» ёки «тархун» қўйинг, бири-бир, унинг ўрнини босолмайди. Фалон жойда «нончой ичдик» ибораснинг қадимийлиги ҳам шундан бўлса керак. «Нон-чой» истеъмол қилинган барча овқатларга нисбат берилишининг ўзи нонинг — «подшо»лиги, чойнинг «малика»лигидан нишона эмасми? Меҳмон дастурхонга таклиф этилиб меҳмоннавозлик тугагач, лутфан чой билан сийланиши халқимизнинг азалий ва замонавий одатларидан биридир. Бир пиёла чой баҳона дўстлар дийдор кўришишади. Бир пиёла чой устида ечилмаган жумбоқ-тугунлар ечилади. Бир пиёла чой икки нотанишни таниш қилади. Бир пиёла чой «сеҳри» ила қуда-андачилик иплари боғланади. Хонадонга келин бўлиб тушган иффатлининг саломдан сўнг биринчи сўзи «ойижон, чой ичинг»идан бошланса не ажаб?!

ЭРТАЛАБКИ КАЙФИЯТ... —Келинларим биринчи юмушни чой қўйишдан бошлашади, — дейди қаҳрамон она, Киров районидаги Читинский кўчаси истиқомат қилувчи Маҳсума опа Мирзаева. — Кейин ҳовлини чиннидай супирибсидириб сув сепишади. Ахир, озода, салқин жойда чой ичишга нима етсин. Нонушта устида ўндан знёд оиламиз аъзолари бугунги ишлари, юмушлари, режалари ҳақида суҳбатлашиб олишади. Ҳазил-мутойиба қилишади. Чой баҳона ҳаммамизнинг кайфиятимиз кўтаралади. Бундай кўтаринки руҳ ишлаб чиқаришда ҳам ўз самарасини бермасдан қолмайди, албатта. Эрталабки кайфият кечқурунни белгилайди, деганлари шу бўлса керак.

ЧОЙХОНА МАЙХОНА ЭМАС. Шаҳримизда юзлаб чойхоналар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, дам олиш кунлари қайси бир чойхонада бўлманг, бозордан қоғоз халта кўтариб келган кишиларни учратишингиз табиий. Халтада ош ҳаражати. Ва, албатта, кўпчилик ёшлар ёдидан фаромуш қилмайдиган «бўтабой», «қўзичоқ», «аҚлдори», «мўйсафид» каби «тахаллус»ли арақ ранг-баранг газати билан столга қўйилади, эпчил соқий билан ошпаз уни биринчи бўлиб ўчоқ бошидаёқ жизза билан бир неча бор синаб кўришади. Ош етилгунча бир неча «ошхўр» етилиб, «ман санга айтсам»га бориб қолишади. Бундай улфатчиликнинг оқибати маълум: исрофгарчилик, асаббузарлик, муштлашув ва жиноят!

Яқиндан бошлаб шаҳар чойхоналарида (қариялар чойхонаси бундан мустасно) спиртли ичимликлар ичишнинг янги усули «ихтиро» қилинди. Бунда нафси бузуқ чойхоначиларнинг шахсан ўзлари «ташаббускор». «Буёғи қандоқ бўларкин?»— деганларга: «Ҳозир тўғрилаймиз»— деб шамали чойнакларни чайиб-ювиб илтифот кўрсатяптилар. Дастурхонда аввалги шиша ўрнида совуқ чойнакларда оғу улашиляпти. Маданий ҳордиқ чиқариш масканида ичкиликбозлик қилаётган ошхўрлар, қозон ҳақи ва шиша пулидан бошқа нарсани ўйламайдиган самоварчиларга маҳаллий Совет ташкилотлари, умумий овқатланиш идоралари, ички ишлар органлари ва маҳалла комитетлари қатъий чора кўрадиган пайт аллақачон етган. Бинобарин, чойхона—майхона эмас, уни кишилар бўш пайтларини кўнгилли, маданий, завқли ўтказадиган, хабардорлик даражасини оширадиган, ўрганиб, ўргатадиган, ҳақиқий дам олиш масканига айлантиришда ҳар биримиз актив иштирок этишимиз лозим.

ЧОЙ ИЧИНГ, ЯНГЛИШМАЙСИЗ. — Чойни бир қайтарсанг лой бўлади, иккинчисида — мой, учинчисида эса чой бўлади, деганлари бежиз эмас,— дейди Қорасарой кўчасида яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер Собир ака Шорасулов. — Ёшлигимдан тиббиётга қизиқаман. Жавонимда сақланаётган Абу Али ибн Сино томлари, Боткин, Семашко каби совет медик олимларининг китоблари қўлдан-қўлга ўтиб туради. Алломалар чойни меъёрида ичишнинг фойдалилиги хусусида яхши фикрлар айтишган. Жумладан, ундаги кофеин, эфир мойи ва бошқа витаминлар асаб системасини, қон томирлари деворларини мустаҳкамлайди, организмда қон айланишини яхшилайди. Чойни мунтазам истеъмол қилган киши туз касаллигига деярли чалинмайди. Нега дейсизми? Уни яхшилаб дамлаб, қайтариб ичилганда организмдаги микроблар тер билан чиқиб кетар экан. Чой вақтингизни хушлайди, роҳат қиласиз, ақлингизни пешлайди.

Мен умр бўйи арақ-вино ичмаганман, папирос чекмаганман. Шу боис ёшим саксонда бўлса ҳам ўзимни бардам сезаман. Ёшларга эса чой ичинг, янглишмайсиз, деб ўгит бераман.

САЛОМАТЛИК МАНБАИ. Чой баргининг чиқиндиларидан кофеин, турли витамин препаратлари ва бошқа доривор моддалар олинади. Ўсимликнинг уруғидан тайёрланган мой косметикада, консерва саноатида ишлатилади. Хитой ва Бирмада янги узилган чой барги салат, ошқўй сифатида севиб истеъмол қилинади. Хуллас, қайси жиҳатдан ёндашманг, чой инсон учун, унинг саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, нима учун, иқлими иссиқ бўлган республикамиз шаҳар ва қишлоқларида чойхоналарни кўпайтириш, жойларда унинг филиалларини очиш мумкин эмас? Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон», «Зарафшон», «Гулистон» ресторанлари қошида чойхоналар ишлаб турибди. Бошқа ресторанларда ҳам бу хайрли ишга қўл урилса бўлмайдими?! Юзлаб кафеларда иссиқ чой «пункт»лари очилса ёки яхна чой ташкил қилинса, халқимиз дилидаги истакни рўёбга чиқарган бўлардик. Чунончи, завод, фабрика, корхона ва, айниқса, ишчи Т. Норимов ўз хатида эслатганидек иссиқ цехларда электр самоварлари, титанларда чой қайнатишни йўлга қўйиш ишга фақат фойда келтирган бўларди.

Маълумки, болалар ширинликка ўч бўладилар. Айниқса, саратон кунлари ота-оналарнинг назоратига қарамай, мороженое еб, холодильникдан муздек лимонад ёки минераль сув ичиб қўйиб, томоқлари оғрийди. Хўш, озчиликни ташкил қилмайдиган бундай ўғил-қизлар кўча-кўйда, истироҳат боғларида чанқоқларини нима билан қондирадилар? Бизда мороженое хоналар, газ-сув дўконлари, квас, морс билан савдо қилувчи точкалар иши мавсумийдир. Ана шу тармоқларнинг бир қисмида иссиқ чой, (ширин чой, лимон чой, сут чой ва ҳоказолар) ёки яхна чой уюштирилса бўлмайдими. Мавсум тугагач, фаолият кўрсатмайдиган юқоридаги каби дўконлар чой ичимлиги савдоси билан шуғулланса-лар, деган истак бор. Зотан, бу хайрли иш маълум маънода партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тадбирлари тўғрисидаги кўрсатмаларини бажаришга қўшилган ҳисса бўлур эди.

Фикримизча, тегишли мутасадди ташкилотлар баҳоси арзон, лекин жуда фойдали бўлган чойга даромад манбаи эмас, балки саломатлик манбаи, деб қарашса меҳнаткашлар кўнглини овлаган бўлардилар. Чунки, жамиятимизда инсон тўғрисида ғамхўрлик партиямиз барча ишларининг асосидир.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● ЧОЙХОНА—МАДАНИЯТ МАСКАНИ, ИУҚОЛСИН «СОВУҚ» ЧОЙНАКЛАР!

● ЧОЙ АҚЛНИ ПЕШЛАЙДИ, ҲУШЕР ЛИКНИ ОШИРАДИ.

● РЕСТОРАН ВА КАФЕЛАРДА ЧОЙХЎРЛАРГА МУНОСАБАТДА ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛСИН!

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими
ЛЕНИН ОРДЕНЛИ Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАРКАЗИЙ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БАЗА БЎЙИЧА
(Тошкент область, Тошкент райони)
мевали ўсимликлар ва токни соғломлаштириш бўлими **катта илмий ходими;**
лабораториялар кичик илмий ходимлари; физиология ва биохимия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, илмий-техника ахбороти бўлими (2).

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА
(Самарқанд шаҳри)
бўлимларнинг кичик илмий ходимлари: селекция, қайта ишлаш, агрохимия лабораторияси;
жорий қилиш бўйича **катта илмий ходим.**

ҚАЙТА ИШЛАШ ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА
(Тошкент область, Оржоникидзе райони)
мудирлар: технология бўлими, энохимия лабораторияси;
катта илмий ходимлар: узумчилик сектори, жорий қилиш бўйича;
технология бўлими **кичик илмий ходимлар** (2).

ТОҒ БОҒДОРЧИЛИГИ ВА УЗУМЧИЛИГИ ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА
(Тошкент область, Бўстонлиқ райони)
бўлим мудирлари: тоғ боғдорчилиги ва узумчилиги, ёнғоқ мевали ўсимликлар;
тоғ боғдорчилиги ва узумчилиги бўлими **кичик илмий ходими.**

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА
(Жиззах шаҳри)
катта илмий ходимлар: боғдорчилик ва узумчилик, жорий қилиш бўйича;
боғдорчилик ва узумчилик **кичик илмий ходимлари** (3).

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН СТАНЦИЯСИ БЎЙИЧА
(Денов шаҳри)
субтропик ўсимликлар **мудири;**
катта илмий ходимлар: субтропик ўсимликлар, жорий қилиш бўйича;
кичик илмий ходимлар: субтропик ўсимликлар (2), боғдорчилик ва узумчилик, меваларни қуритиш.

ФАРҒОНА СТАНЦИЯСИ БЎЙИЧА
(Фарғона область Қува райони)
жорий қилиш бўйича **катта илмий ходим;**
меваларни қуритиш бўйича **кичик илмий ходим;**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАЯНЧ ПУНКТИ БЎЙИЧА
(Қорақалпоғистон АССР, Кегайли райони)
боғдорчилик ва узумчилик бўйича **катта илмий ходим.**

НАМАНГАН ТАЯНЧ ПУНКТИ БЎЙИЧА
(Наманган шаҳри)
боғдорчилик ва узумчилик бўйича **кичик илмий ходим.**

Конкурс муддати — 13 июлгача.

Конкурсда қатнашиш учун ҳужжатларни қуйидаги адресга жўнатишингизни сўраймиз: 700000, Тошкент шаҳри, 16-почта бўлими.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ
1-КУРСГА
8-синфни битирганлардан
2-КУРСГА
10-синфни битирганлардан

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича темир йўл транспорти техникларини тайёрлайди: тепловоз хўжалиги, изотермик вагонлар ва совутиш хўжалиги, симли алоқа (темир йўл бўйича телеграф-телефон алоқаси мутахассислиги, телеграф, телефон, радио, фақат 10-синфни битирганлар учун); **темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика; радиоалоқа ва радиоэшиттириш** (фақат 10-синфни битирганлар учун); **темир йўл электровоз хўжалиги; темир йўл транспортини энергия билан таъминлаш ва энергетика хўжалиги.**

Аризалар 30 ёшгача бўлган ҳамма гражданлардан 31 июлгача (10-синфни тамомлаган ўқувчилардан 14 августгача) **қабул қилинади.**

Қабул имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтқазилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумда сиртқи бўлим ҳам бор.

Техникум адреси: 700167, Тошкент шаҳри, Л-167, 2-Сариқул кўчаси, 3-уй (66, 161-автобусларнинг, «Темир йўл техникуми», 1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг, «Сарикул» ёки «Будёновская» бекатлари). Телефонлар: 32-40-85, 32-43-25, 32-44-96.

СССР Медицина фанлари академияси
БУТУНИТТИФОҚ ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
филиал бўлимлари ва лабораториялари бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

раҳбарлар: хирургияда физика-химиявий методлар (медицина фанлари доктори), перспектив планлаштириш ва клиник тадқиқотларни амалиётга жорий этиш (медицина фанлари кандидати):

катта илмий ходимлар (медицина фанлари кандидатлари); томирлар хирургияси бўлими, илмий-педагогик бўлимнинг функционал диагностика группаси;

кичик илмий ходимлар: бўлимлар—юрак хирургияси, реанимация ва интенсив терапия, рентген-радиология; лабораториялар — патологик анатомия, хирургияда физик-химиявий методлар, перспектив планлаштириш ва клиник тадқиқотларни амалиётга жорий этиш (3); жигар хирургияси, ошқозон-ичак хирургияси бўлинмаси сийдик йўллари ва буйракости бези группалари.

Конкурс муддати — 13 июлгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700115, Тошкент шаҳри ЧГСП, Фарҳод кўчаси, 10-уй.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!
РЕСПУБЛИКА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ДИКТОРЛАР
КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсга 25 ёшдан катта бўлмаган, олий маълумотли, ўзбек ва рус тилларини мукаммал биладиган, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган ўртоқлар таклиф қилинади.

Конкурс шартларига доир саволлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 79-уй. Программалар дирекцияси. Телефон 41-92-01.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Информация агентлиги (ЎзТАГ) коллективи ЎзТАГнинг кекса фотомухбири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер

Қўчқор РОЗИҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти коллективи институт катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати

Талъат Ниғматович НИҒМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Фильм-концерт. 10.25 — «Саёҳатчилар клуби». 11.25 — «Иван Павлов. Ҳақиқат излаб». Бадиий фильм. 2-серия. 12.35 — Фильм-концерт. 13.10 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Болаликнинг сўнгги ёзи». Бадиий фильм. 2-серия. 17.10 —«Моҳир қўллар». 17.35 — «Дўстинга пешвоз чиқ». 18.05— Ҳужжатли фильм. 18.35 — Фильм-концерт. 18.45 — «Сиз яратган боғ». 19.15— «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — «ВАМ қурилиши давом этади». 20.20 — «Иван Павлов. Ҳақиқат излаб». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Фильм-концерт. 23.15 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.30 — «Ҳайвонларни овловчилар». Бадиий фильм. 10.50 — «Дарвозаси тиллодан». 11.40 — Мультфильмлар. 12.00 — «Оила ва мактаб». 12.30 — Болалар учун фильм. 13.50 — Немис тили. 14.20 — «Етмишинчи баҳор». 15.10— «Театр мемуарлари». 16.25 — Мотокросс. Халқаро мусобақалар. 16.55 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Самолет спорти. Халқаро мусобақалар. 19.10 — Музикали киоск. 19.40— Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Волейбол. Халқаро турнир. 21.20 —«Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — «Уни Сухэ-Батор деб аташади». Бадиий фильм. 23.10 — Кичик концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.25 — «Қизил альпинистлар». Бадиий фильм. 7-8 серия. 11.20 — Мультфильм. 11.30— «Бойчечак». 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15— «Ёзувчилар — болаларга». 18.45 — Мультфильм. 19.00 — «Ешлик». 19.30 «Ахборот». 19.45 — «Илҳом». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Аёл қалби наволари». 21.30 — «Время». 22.00 — «Совет киноси усталари». 23.20 — Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 17.00 — МОСКВА-II. 18.25 — Биология. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Салом, фестиваль!» 20.00— Тошкент янгиликлари. 20.20 — Телефильм. 20.50 — «Китоб дўстлари». 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 МОСКВА-II.

РАДИО

10 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30—«Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 10.40 — «Қармоқ». 11.15—«Юность». 12.15 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — «Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40— «Салом, фестиваль!». 16.20—«Мулқдорлар дунёсида хўрланганлар». 17.00— Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15—«Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш омили». 18.30—Концерт. 19.25—Концерт. 19.40 — «Миллионлар ленинча университети». 20.50 — «Шеърият кечаси».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. 05935. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. ИНДЕКС 64583. А. — 156. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12